# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

39 сон
27 сентябр– 3 октябр
2007 йил


## 1 ОКТЯБР–ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



# ЯХШИЛИК ТЎРГА ЭЛТАР

- Ўқитувчи касби инсондан ҳар томонлама билимдон, иқтидорли ва маълум даражада руҳшунос бўлишни талаб этади,- дейди Қарши шаҳридаги қишлоқ хўжалиги коллежи маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Замирахон Маманазарова ўқув масканида ўтказилган тадбирларни акс эттирувчи фотолавҳаларни кўрсатиб. - Ахир катталарнинг эътиборсизлиги туфайли қанчадан-қанча ўсмирлар билиб-билмай хавфли йўлларга қадам қўйишади. Шундай бўлмаслиги учун уларнинг ёнида сирдош дўст, устоз ва мураббий бўлиб тўғри йўлни топиб олишларига биз ёрдам беришимиз керак.

Болалар руҳияти менга мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган пайтларимдан таниш. Уларга синов учун мустақил иш бериб қўярдим-да, ўзим ҳар бирининг изланишини, кимлардан ёрдам олишини, қандай китобларга мурожаат қилишини зимдан кузатардим. Ўшанга қараб, ўқувчимнинг келажакда қандай инсон бўлишини айтиб берардим. Баъзи танбал ўқувчиларимни "ишлаш"га ўргатган пайтларим кўп бўлган.

Қолаверса, институтда педагог-психолог мутахассислигини эгаллаганим, ҳаётдан олган сабоқларим коллежда "Оила психологияси" фанидан ўқувчиларга дарс бераётганимда қўл келади. Коллеж талабаларига синалган хулосалар асосида ўз оиласининг бахтли бекаси ёки беги бўлиш сирларини ўргатишга ҳаракат қиламан.

**- Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг фаол аъзоларидан экансиз...**

- Талабалик йилларимдан қолган мерос -бу. Доим жамоат ишлари билан бўлиб кечгача институтда қолиб кетардим. Бировнинг оғирини енгил қилиб, унинг юзида табассум кўрмагунча тинчимасдим. Очиғи, бу ишлардан менга зиғирдай ҳам манфаатдорлик бўлмаган. Ҳозир "Арабовул" маҳалласининг хотин-қизлар ташкилотига аъзолик, вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касбҳунар таълими бошқармасининг хотин-қизлар кенгаши раиси вазифалари зиммамга катта масъулият юклайди. Ҳар битта аёлнинг хонадони, оиласи, иссиқ-совуғи билан танишишга интиламан... Бир куни ўрта ёшли ўқитувчи аёл эрининг ўзига нисбатан бефарқ бўлиб қолгани, оила ва рўзғор билан иши йўқлиги ҳақида изтироб билан сўзлади. Руҳий азобланиш туфайли талабаларга дарс ўтолмаётганини айтди. "Бироз ишдан бўшаб уйда ўтирсам, эримга ёқармидим..." деб, маслаҳат сўради. Мен унга ишдан бўшамасдан таътил олиб, эри билан бирор жойга дам олишга боришини, ҳозирги ўтиш босқичида эрига эътибор кераклигини, бисотидаги чиройли сўзларни ундан аямаслигини маслаҳат бердим. У бўлса: "Қандай бўларкин? Энди ёшимиз қирққа чиқиб..." -дея, кўзларини ерга тикди. Мен: "Бунинг айбли жойи йўқ. Сиз оилавий ҳаётингиз бутун бўлиши учун ўз эрингизни эркалайсиз-ку! Ахир эрингиз ҳам баъзан ёшликдаги шўхликларингизни соғиниши табиий",- деб аёлни уйига жўнатиб юбордим.

Орадан бир ой ўтгач, аёл хурсанд ҳолда ишга келди. "Башоратим" тўғри чиққанини ва ҳар ойнинг бир кунини ўзларига бағишлашга, албатта вақт топиб ресторан, кино, театр ёки сайрга чиқишга келишиб олишганини айтди...

**- Оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

- Турмуш ўртоғим (Шерали ака) ва уч ўғлим ҳамма вақт мени қўллаб-қувватлашади. Биз бир-биримизни бир қарашдаёқ тушунамиз. Бу менинг бахтим албатта.

* * *

***Ҳа, "Шуҳрат" медали соҳибаси, "Маърифатпарвар аёллар" вилоят кўрик-танлови ғолиби, "Энг яхши ўқитувчи" деган номга сазовор бўлган Замирахон Маманазарованинг кўнгли ҳамиша яхшиликларга, олий мақсадларга тўла. Яхшилик эса инсонни доим тўрга элтади.***

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

## СИЗГА ТАШАККУР

Муаллим сўзини эшитсам, қалбимга нур ёғилади. Юрагим энтикади, вужудимни ажиб ҳаяжон эгаллайди.

Агар мендан Ватан қаердан бошланади? - деб сўрасалар, иккиланмай кекса муаллимимнинг ширин сўзлари-ю, пурмаъно дарсларидан, қўлларимга қалам тутқазиб, Ватан, она, ота, деб ёздирган сўзларидан, ўқишни хижжалаб ўқиган Алифбе китобимдан, деб жавоб берган бўлардим. Муаллим! Бугун сизнинг номингизни зўр ҳаяжон, зўр соғинч билан тилга олаяпман. Сизнинг заҳматли, машаққатли меҳнатингиз самараси биз шогирдлар, олий маълумотли ва турфа касб эгаларимиз!

Мен ҳам сизлардек шарафли касб эгаси - муаллимаман. Мен сиз туфайли шу касб эгаси бўлдим. Атрофимда тўп-тўп шогирдларим қўлларимда гулдаста. Худди сиздай. Юрагим ҳаяжонда. Устоз! Сизнинг таълимингиз - тарбиянгиз натижаси, шарафли касб эгасиман. Ҳа. Мен азиз ва меҳридарё устозларим: Ойсулув Бердиева, Абдуҳолиқ Каримов, Гулнора Норқулова, Омонгул Азизова, Қурбонали Ражабов, Мурод Саидов, Ўтаев Ибрагим, Ғиёсов Саид, Суюнов Мўмин акадан чексиз миннатдорман.

Азиз устозлар! Байрамингиз муборак бўлсин.

**Дилфуза ҲОТАМОВА,**
**Бўка тумани.**

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.***

# ЮКСАК ЭҲТИРОМ НАМУНАСИ



*Ҳамон эътиқодим—ҳақиқат, ҳақдир,*
*Сўзлайман, юзимни тутиб Каъбага,*
*Емира олмайди ўткинчи тақдир,*
*Осуда ўтади руҳим абадга.*

*Эъзозлар, ардоглар учун ташаккур*
*Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.*
*Тонгларингиз кулсин дориломон, ҳур,*
*Бахтим шул—ўзбекнинг Зулфиясиман.*

* * *

Юртбошимиз хассос шоира, жамоат арбоби Зулфиянинг серқирра ҳаёт йўли ва ижод йўли, маънавий ҳаётимизда тутган ўрни, ёш авлодни тарбиялашдаги хизматларига ҳамиша алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб келаётганидан жамоатчилигимиз яхши хабардор. Бу қарор, аввало, ўзбек халқининг севимли фарзанди, давлат арбоби, шоира Зулфия шахсига, унинг адабий меросига кўрсатилган юксак эҳтиромдир.

Ардоқли шоирамизнинг бадиий сиймосининг яратилиши, айниқса, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари юрагига чексиз фахр туйғусини бағишлади. Бугунги кунда маънавий ҳаётимизда фаол иштирок этиб, кўпчиликка ўрнак бўлаётган Зулфия мукофоти соҳибалари тимсолида эл-юртимиз келгусида Зулфияхоним каби юртимиз шуҳратини дунёга тараннум этадиган юксак салоҳият, ақл ва тафаккур соҳибаларини кўришни орзу қилади.

Зулфия мукофоти соҳибалари ҳам эл-юртимизнинг бу ишончини оқлашга ҳаракат қиладилар. Келгусида Зулфияхоним таваллуд топган 1 март кунида, айни баҳор байрами 8-март хотин-қизлар куни арафасида шоира ҳайкали унинг шогирдлари, издошлари буюк шоирамизнинг азиз хотирасини ёд этадилар.

Хассос шоира Зулфия шахсига ва ижодига баҳо бериб буюклардан бири "Зулфияхоним сиз Шарқнинг биллур овозисиз", деган сўзни айтганди. Дарҳақиқат, бугун юртбошимиз томонидан аёлга кўрсатилган эҳтиром, аёл номида хотин-қизлар учун мукофот жорий этилиши ва аёл ҳайкали пойтахтнинг марказига ўрнатилиши ўзбек аёлларининг ҳар-бирида шарқнинг биллур овозига айланиш иштиёқи ва орзусини жўш урдирди десак хато бўлмас.

**Ҳанифа ЗОКИРОВА,**
**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ахборот Матбуот маркази раҳбари.**


***Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»***



# САРҲИСОБ

- Вилоятимизнинг барча шаҳар, туманларида хотин-қизлар қўмиталарининг навбатдаги IV-ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди. Президентимиз И.Каримовнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Вилоятнинг Деҳқонобод, Чироқчи, Шаҳрисабз, Китоб, Касби, Ғузор туманларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференцияларида иштирок этарканман, аёлнинг меҳнатда, тадбиркорликда, бунёдкорликда ўз қобилиятларини яққол намойиш этаётганлигини гувоҳи бўлиб дилдан фахрландим. Вилоятнинг барча туманлари ва Қарши шаҳрида хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилди. Зеро, ўтган уч йил ичида хотин-қизлар учун иш ўринлари ташкил этишда, касаначиликни ривожлантиришда, истеъдодли қизларни юзага чиқаришда, қолаверса вилоятда ўз жонига қасд қилиш, хотин-қизлар, вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этиш, оталикни белгилаш, она ва болалар ўлимини кескин камайиши замирида ўз вазифасига қайта сайланган 13 нафар раисанинг фидокорона меҳнати ётибди. Қарши шаҳри, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Касби, Чироқчи, Ғузор туманлари ҳокимларининг хотин-қизлар қўмитаси фаолиятига бефарқ эмаслигини, хотин-қизлар муаммолари, уларнинг ҳам оғриқли нуқталарига айланганини кўриб кўнглим кўтарилди. Ҳисобот-сайлов конференциялари ютуқлар сарҳисоб этилган, камчиликлар таъкидланган ҳолда, қизғин, жонли мунозаралар тарзида ўтди.

**Сайёра ЗОИРОВА,**
**Қашқадарё вилояти.**

*Туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари конференцияларидан*



Тошкент шаҳар Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитасининг тўртинчи ҳисобот-сайлов конференциясига Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маърупова, Сенатор, Тошкент шаҳар ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилором Тошмуҳаммедова, туман ҳокими Ҳусниддин Маҳкамов, фаол аёллар ва маҳалла маслаҳатчилари иштирок этишди. Туман ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова 2,5 йиллик фаолияти ҳақида делегатлар олдида ҳисоб бераркан, шундай деди:

- Инсон оилада шаклланади. Хотин-қизлар фаоллари ҳам ҳамма ҳаракатни оиладан бошлашларига тўғри келди. Аввalамбор аёлни соғлом бўлиши учун чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Туман марказий шифохонаси шифокорлари билан биргаликда маҳалла маслаҳатчиларини ёнимизга олиб, тўғридан-тўғри хонадонларга кирдик. Уларнинг тиббий маданиятини ошириш учун тиббий адабиётлар тарқатдик, суҳбатлар уюштирдик. Кам таъминланган, боқувчиси йўқ, ногирон ва етим-есирларга бепул дори-дармон, сиҳатгоҳларга йўлланмалар бердик.

Барча бебошликлар, жанжаллар бекорчиликдан чиқади. Шу боис маҳалла хотин-қизларини иш билан таъминлаш, уй меҳнати, касаначилик ва якка тадбиркорлик қилишлари учун имконият яратишга ҳаракат қилдик. 2205 нафар аёлни иш билан банд қилган бўлсак, 523 нафари ўқишга юборилди. 6 нафар аёлга 160 та янги иш ўрни ташкил этиши учун 35 млн. 710 минг сўмлик микрокредитлар ажратилди. Хотин-қизлар қўмитаси ёрдамида 2244 нафар аёллар иш билан таъминланди.

Сўзга чиққан делегатлар ҳам хотин-қизлар етакчисининг фаолиятига қониқарли, деб баҳо беришди ва қайта сайладилар. Конференцияда келгусида қилинадиган ишлар белгилаб олинди.

**С. ФАХРИДДИНОВА**

# МАСЪУЛЛИККА ЧОРЛАДИ

Яқинда Ўзбекистон Хотин -қизлар қўмитасининг навбатдан ташқари 1Х - Бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" мавзуидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда ташкилий масала кўриб чиқилди. Йиғилишни Сенатор, Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова бошқарди. У Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси ҳақидаги ўз фикрларини баён қиларкан, ундан барча хотин-қизлар қўмиталари раислари ва фаоллари тегишли хулоса чиқариб олишлари зарурлигини таъкидлади. Сўнг Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маърупова маъруза қилди.

- Прездентимиз маърузалари - жамиятимизнинг, юртимизнинг 16 йиллик ҳаётининг кўзгудаги акси, десак хато бўлмас. Маърузада халқимизнинг шу давр ичида эришган ютуғу камчиликлари ҳақида сўз юритилар экан, шу баробаринда аёлларимиз фаолиятига ҳам эътибор берилгани бизни янада қувонтирди. Биз ундан ўзимизга тегишли хулосалар чиқардик, қилишимиз лозим бўлган вазифаларимизни янгиладик,- деди у. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва жойлардаги бўлинмалари Устав вазифалари ва йўналишига асосан иш олиб бормоқда. Вилоятларнинг шаҳар, туман хотин-қизлар қўмиталарида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам бир бора ортга назар солиб, хато ва камчиликларимиз, муваффақиятларимиз сарҳисоб қилинди. Бугунги кунда хотин-қизлар ишининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, уларга берилаётган имконият ва имтиёзлар аёлларимизга куч-қувват, кўтаринки кайфият бағишлайди ва янги-янги ишларга руҳлантиради.

Анжуманда Республика "Оила" маркази бошлиғи Васила Каримова кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимояси яхши йўлга қўйилаётгани, ёш оилаларга берилаётган ёрдам, Президент Фармонларининг ижроси қай даражада бажарилаётгани ҳақидаги фикрларини баён қилди.

Конференцияда Сенатор, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Каримова, Навоий вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мусаллам Ибрагимова, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Шодиева, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Орзибека Жонибекова сўзга чиқиб, Президентимизнинг маърузаларидан олган таассуротлари ҳамда ўз ҳудудларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапиришди.

Шундан сўнг конференциянинг кун тартибида турган 2-масала- Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари лавозимига тавсия этилган номзод делегатлар муҳокамасига қўйилди. Кўп йиллар раҳбарлик вазифаларида фаолият кўрсатган, аёллар ҳаётини, муаммоларини яхши биладиган, шу кунгача Тошкент Хотин-қизлар коллежи директори бўлиб ишлаган Муаллам Зуфарова номзодига ҳамма якдиллик билан овоз берди.

**САНОБАР**

* * *

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси юзасидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, фаол аёллар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маъруфова мустақиллик йилларида хотин-қизлар ҳаёти билан боғлиқ масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, маърузада бу борада алоҳида тўхталиб ўтилганлиги ҳақида гапирди. Анжуман иштирокчилари ўзларининг мавзуга оид фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

**Ҳанифа ЗОКИРОВА,**
**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ахборот-Матбуот маркази раҳбари.**

# ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманига қарашли 28-умумий ўрта таълим мактаби залида "1 октябр - Устоз ва мураббийлар куни"га бағишланган "Ўқитувчи ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни" мавзуидаги матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманга таклиф этилган журналистлар даставвал Яккасарой туманида 2007 йилда янги қурилган 144-умумий ўрта таълим мактабида "Мактаб, оила, маҳалла" йўналиши бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Шундан сўнг янги барпо этилган Болалар бадиий ижодиёт уйининг тантанали очилиш маросимида иштирок этдилар. Анжуман сўнггида журналистлар билан жонли мулоқот ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари У.Қ.Мусаев бошчилигидаги бир қатор мутасаддилар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

**МУНАВВАРА**

# СОВРИН МУБОРАК!

Яқинда таҳририятимизга Наманганлик фаол муаллифларимиздан бири, Чортоқ туманидаги 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Асқарали ака Маматов кириб келди. У жуда хурсанд, қувончи кўзларидан кўриниб турарди. У яқинда Москва шаҳрида ўтказилган МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари рус тили ўқитувчиларининг халқаро кўрик-танловида иштирок этиш учун Москва шаҳрига жўнаб кетганди.

Асқарали ака ушбу танловда ғолиб чиқиб, диплом ҳамда махсус соврин билан тақдирланибди. Ўн тўрт давлат вакиллари иштирок этган ушбу танловда газетамизнинг фаол муаллифларидан бири бўлган Асқарали ака Маматов ҳам борлигидан қувондик.

Асқарали акани фидойи меҳнати боис эришган ушбу ютуғи билан табриклаймиз. Бундан кейинги ишларида ҳам омад ёр бўлаверсин!

**Ўз мухбиримиз**

* * *

# "УСТОЗГА ЭҲТИРОМ"

"Ўқитувчи ва мураббийлар куни" муносабати билан Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Мазкур тадбирда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги мактаб, лицей, коллежларнинг фаол ва фахрий ўқитувчилари иштирок этдилар.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдаги фаол иштироки, келажагимиз ворислари бўлган ёш авлодга таълим-тарбия беришдаги фидоийлиги ва кўп йиллик самарали хизматлари учун бир гуруҳ устоз-мураббийлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шундан сўнг концерт дастури намойиш этилди.

**М. УСМОНОВА**

*Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»*

**IX. БЕВАФОЛИК**

# ЭР-ХОТИНЛАР ТОИФАСИ

Бевафолик қадим-қадимдан—эр-хотинликни никоҳ пайвандлайдиган бўлгандан бери, омма халқ бўлиб шаклланганидан буён ҳамма миллат-элатларда учраб келаётган қусур.

Бевафолик ёш ҳам, чирой ҳам, миллат ҳам танламайди. Одамларнинг ижтимоий келиб чиқиши, жамиятда тутган ўрни, мавқеи, лавозими, касби унинг учун фарқи йўқ. Сабаб, шароит, майл, эҳтирос туғилдими, бас! У ўз ҳукмини ўтказади, инсонни йўлдан уради. Уни ҳеч қачон, ҳеч қандай тузум ёки жамият оқлаган эмас, оқламайди ҳам. Бевафоликни бўйнига олиб, шу қусур сари қадам ташлаган енгилтак аёлларнинг ҳам, албатта, ўзларига яраша сабаблари, баҳоналари, важ-корсонлари бўлади. Лекин буларни улар ўзларини юпатиш, гуноҳларини оқлаш, баҳона учун ўйлаб чиқарадилар. Чин маънода бу тўқималар нопоклик найрангларидан бўлак нарса эмас. Буни яхшироқ тушуниб олиш учун уларнинг айрим тоифаларига эътибор берайлик:

✔ эрлари бўш-баёв, лоқайд бўлган бевафолар;

✔ эрлари ҳаддан ортиқ золим бўлган бевафолар;

✔ эрларининг мижози совуқ бўлган бевафолар;

✔ эрлари пул топишданми, меҳнатга шўнғиб кетишданми, тўшакдошларига бефарқ бўлиб қолган бевафолар;

✔ эрларининг ўзлари ҳам ўйнаш орттириб юрадиган бевафолар. Икки томонлама бевафолик шунга киради;

✔ бузуқ тарбияда вояга етган бевафолар;

✔ тўкин-сочинликни, бой-бадавлатликни кўтара олмай шўхлик кўчасига кириб кетган бевафолар;

✔ бузуқлар даврасида чумак урган бевафолар;

✔ ирсиятида бузуқлик суяк суриб келаётган бевафолар. Шаҳвоний ҳирсларга ўта мойил бузуқлар ҳам шунга киради.

Ўз танасини пуллашни касб қилиб олган фоҳишалар бизнинг ушбу мавзуимизга кирмайди. Ифлосни тозалайман десанг, кўзингда акси қолиб дилингни хира қилади.

Хуллас, бевафоликнинг тоифаси ранг-баранг... Аммо бунда эрларнинг ҳам айби кам эмас. Бунинг айримларини ҳозиргина кўриб ўтдик...

Янги жамият, янгича ижтимоий ҳаёт баъзан бевафоликнинг янгидан-янги хилларини келтириб чиқаради. Ўтмиш сабоқлари, дунё далиллари буни яққол кўрсатиб турибди. Бинобарин, ҳар бир жамият, ҳар қайси тузум ўзига хос, ўзига монанд бевафолик тоифаларига эга. Пок жамиятда, садоқат ҳукмрон мамлакатда аёллар ночорликдан, камбағалликдан, очликдан бевафолик кўчасига кириб кетмайдилар, ҳеч қачон! Кириб кетсалар, билингки, бунда бошқа сир бор. Покиза аёл покиза танасини сотмайди. Унга бегона эркакни яқинлаштирмайди. Ўлса-ўладики, бу жирканч йўлга кирмайди. Ким шу гапга ишонмаса, тан олингки, бу одам аёл зотини билмайди, қадрига етмайди, уни севмайди...

Юқорида келтириб ўтилган бевафолик тоифаларининг энг хавфлиси, энг қўрқинчлиси бу ирсиятида суяк суриб келаётган бузуқликдир. Бунга тағин билмадим-у, даво топилиши амри маҳол! У инсон қонида, руҳиятида ўчмас иллат бўлиб йиллар оша писиб, яшириниб ётаркан, пайт, шароит, мойилликни пойлаб, мавриди олиб етади. Шу омиллар юзага келдими, бевафолик ким билиб, ким билмай ўз мақсадига эришади. Ҳар қандай пок жамият, соғлом тузум бу йўлдан уни бегуноҳ сақлаб қола олмайди. Сабаб ҳам, баҳона ҳам, жуфт ҳам топилади. Шу нарса таажжубки, аёл киши қайси ёшида, қайси даврида бузуқлик кўчасига киради, буни олдиндан ҳеч ким, ҳатто, аёлнинг ўзи ҳам айтиб бера олмайди. Чунки бу - майл, эҳтирос, кўнгил, шароит ишидир. У шу даражада киши билмас, ҳеч ким сезмас руҳий сир-синоатдир...




Бузуқларни кўрганда ёки улардан воқиф бўлиб қолганда эркакларни учта жумбоқ ҳамиша ҳайрон қолдиради. Бири: аёл зоти бузуқлик кўчасининг бошини ушлаётганида у - ҳозир, шу топда аҳлоқсизлик, бевалик, бузуқлик, борингки, таъбир жоиз бўлса, жиноят қилаётганини бир зумгина кўнглидан ўтказармикан?! Менимча, йўқ! Шунинг учун ҳам йўққи, бу лаҳзада унинг тан-жони лаззатли онлар оғушида бўлади. Хаёли қизғин эҳтиросларга қочади. Зеро, бузуқларнинг ақли калта, онг-шуури қисқа бўлиши худди шу дамда уларга панд бериб қўяди. Бу ёқда эса айш-ишрат, танмаҳрами билан қила олмаган қилиқлар, ноз-карашмалар... Улар қандай қилиб ҳеч тотиб кўрмаган "ширинликлар"дан воз кечсин?! Ахир "ширинликлар" вақтинча, ўткинчи эканини улар билмасалар, ақллари етмаса нима қилсинлар?!

Иккинчиси: бевафолар ҳеч ўйлайдиларми, йиғинларда, тўй-ҳашамларда, давраларда кўплар қатори баъзан жазманлари ҳам, эрлари ҳам, шулар қаторида таниш-билишлари, қариндош-уруғлари бирга ёки нари-берида ўтирадилар, юрадилар, суҳбат қурадилар. Ўзаро мулоқот-муносабат ўрнатадилар. Шунда буларни кўриб уларнинг хаёлларидан нималар кечади? Нималарни ҳис қиладилар? Сал бўлса ҳам уяладиларми, андишага борадиларми, номус-ор қиладиларми? Эрларига сохталик қилаётганликларини, обрўларини ерга ураётганликларини, ўғил-қизларига соткин бўлаётганликларини ҳис қилармикинлар? Эрлари ўйнашлари олдида, сезиб қолган дўстлари, таниш-билишлари қаршисида нима деган одам бўлиб қолганликларига фаҳм-фаросатлари етармикан? Умр йўлдошлари, кўз очиб кўрганлари болаларининг ягона оталари алданган, суюқоёқ хотиннинг эрлари мақомини олганликларини у аёллар тушунармиканлар? Ўзлари ва ўйнашлари сингари эрлари ҳам бу ёруғ дунёга бир марта келиб, бир марта кетишларини эрларининг эса шу қисқагина умрларида алданган эр тамғасини олиб, ўзлари эса гуноҳи азимга ботиб, у дунёга риҳлат қилишларини ҳеч бир ўйлаб кўрармиканлар? Ҳеч нарсадан бехабар бечора эркаклар ўз ёстиқдошларини «асалим-шакарим»,- деб эркалашларини, ардоқлашларини кўнгилларидан ўтказиб номус қилармиканлар? Виждонлари қийналармикан? Ёки уларни лаванг, ландовур, тўнка, деб писанд қилмасмиканлар? Ё буларда ҳам юрак бўлиб, «эссиз эрим»,- дея ачиниб қўярмиканлар?..

Ё бўлмаса, ўйнашларининг ҳам шу анжуманда эканликларидан шодмон бўладиларми? Бир-бирларига зимдан қарашиб, нигоҳлари билан саломлашиб қўядиларми? Бир-бирлари билан қўл қисишиб кетадиганлари-чи? Андак қоғозга ёки салфеткага кейинги учрашувларининг куни, вақти, манзилини ёзиб хуфиёна бериб кетадиганларичи? Эй, ҳа! Айтаверсанг, адо бўлмайди!..

Учинчиси: бевафолар вақти келганда бир тин олиб: "Бир пайтлар ўзим сезиб қолгандим... Онамлар шу йўлга кирган эдилар. Буни дадажонимдан қандай қилиб яширишларини, ҳийла-найранг ишлатишларини, баъзан эса кечга қолганликларининг баҳонасини қилиб кириб келишларини фаҳмлардим... Мана энди ўзим шу йўлга кирдим... Кейинги навбат қизимга бўлсачи? Ундан сўнг набирам бўладими?" - дея ўйлармиканлар? Даҳшатга тушармиканлар? Менимча, яна йўқ! Ўйлаб кўрганларидами, даҳшатга тушганлардами? Бу кўчага кирмаган, ирсиятларини, авлодларини, қизларини покиза сақлаб қолган бўлардилар! Ҳамма бало шундаки, бузуқлик иллатига улар соғлом аёллар каби соғ кўз билан қарайдилар. Қилмишларини кечириб бўлмас айб ёки гуноҳ, деб баҳоламайдилар. Бадном бўлаётганликларини эса умуман хаёлларига келтирмайдилар. Нафақат эрларини, балки ўзларини ҳам ҳурмат қилмайдилар. Ҳеч зоғ билмайди, ҳеч зот сезмайди, дейдилар, ўзларини юпатадилар. Ҳолбуки, бузуқ аёлларни, аксарият, кўплар билади, сезади. Фақат бечора эрлар билмайди, бунга ақллари бовар қилмайди. "Менинг хотиним тоза", дейдилар, ишонадилар! Яхшиямки, шундай ишонч бор! Оила бор!

Бевафоликнинг камайиши ёки ортишида жамият билан ижтимоий ҳаётнинг таъсири беқиёс. яна, бевафоликнинг қайси тоифалари қораланади ёки оқланади - шу жамият ва тузумнинг аҳлоқ нормаларига боғлиқ. Бунда миллийлик, дин, урф-одат, расм-русумларнинг ҳам таъсир қудрати чексиз, албатта...

Масалан, муқаддас Ислом таълимотида эркак мўминнинг тўққизта фарзидан биттаси - эрнинг ўз танмаҳрамини тергаб туриши, ундан кўз-қулоқ бўлиб юриши, босган қадамидан бохабар бўлиши фарздир. Бу билан Аллоҳ таоло нимага ундайди? Эрни огоҳлантириб, аёлини ҳушёр тортишга ундайди. Демак:

***Эр огоҳ бўлса, хотин ҳушёр тортгусидир,***
***Хотин ҳушёр тортса, эр элёр бўлгусидир.***

Лавҳамни эл ардоқлаган ҳурматли шоирамизнинг ушбу икки мисра шеъри билан якунласам:

***Эркакларимиз бўлсамиди, бироз зардали,***
***Бўлармиди, аёлларимиз хиёл пардали!..***

**Азимжон ҚОСИМОВ**

# АХИР, РАМАЗОН– ХАЙР-ЭҲСОН ОЙИ-КУ...

Муқаддас Ислом динимизнинг беша арконидан бири бўлмиш Рамазон рўзаси инсонни баркамолликка етаклашда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Инсон қаноати туфайли руҳий, жисмоний покликка эришади. Маънавий-ахлоқий неъматлар соҳибига айланади.

Рамазон ойида Аллоҳ таоло томонидан бандаларига кўплаб марҳаматлар кўрсатилар экан. Жумладан, Пайғамбаримиз Саллаллоҳу Алайҳи Васалламдан ривоят қилинишича: "Рамазон ойининг биринчи кечаси кирганда шайтонлар кишанланади, дўзах эшиклари маҳкам қулфланади ва жаннат эшиклари очилади. Аллоҳ таоло ҳар кеча уч маротаба: "Ҳожатларини сўровчилар борми, раво қилсам? Тавба қилгувчилар борми, табаларини қабул қилсам? Истиғфор айтгувчилар борми, гуноҳларини маҳфират қилсам", дейди. Рамазон ойининг ҳар жума кунларида эса ҳар соатда минглаб дўзахийларни озодан халос этади. Рамазоннинг охирги куни Рамазон ойи давомида қанча дўзахийни озодан халос этади", - деган. Бошқа бир ҳадисда эса: "Кимки Рамазон ойи келишидан шодланса, Аллоҳу таоло унинг жисмига дўзах ўтини ҳаром қилади", - деган.

Муборак Рамазон ойининг аввали раҳмат, ўртаси маҳфират, охири "Иткун минаннийрон", яъни, "Дўзахдан озод қилиш" кунлари деб аталади. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг раҳматига эришган кишининг гуноҳлари кечирилади.

Бу ҳадисларни ўқиб, кеча Чорсу бозоридаги ҳолат кўз олдимга келди. Оилам кичик. Шунинг учун кундалик озиқ-овқатларни кунда оз-оздан сотиб олишга одатланганман. Рамазон ойининг биринчи кунидан олдин қилган бозор-ўчаримдан кейинги кунларда озиқ-овқатларнинг нархи сезиларли даражада ошганини кўриб ҳайрон қолдим.

Кеча олган бир килоси 500 сўм узум бугун 1000 сўм бўлибди!

Узум сотувчидан: "Нима бўлди, тинчликми?" - десам:

- Вой синглим, биласиз-ку, ҳозир рўза. Одамлар мева-чевани олса ҳам олади, олмаса ҳам олади, ифторликни қилинади, - деди.

- Опажон, ҳозир куз, пишиқчилик-ку...

- Синглим, ўзи ҳар йили даромадимиз рамазонда. Ҳайитда савдо яхши бўлади-да, айланай, - деди.

Ўйланиб, юқоридаги ҳадисларни эсладим.

Кечаги 500 сўмлик узумни бугун 1000 сўм деб турсак, рамазон ойида қилаётган амалларимиз қабул бўлармикан?

Давлатимиз кам таъминланган оилалар, ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга қанчалар саъйи-ҳаракатлар қилаётир. Шундай экан, азиз ва жонажон миллатимизга, халқимизга ўзимиз етиштирган узумимиз нархини сунъий оширсак, тўғри бўладими?

Ахир, Рамазон ойи - пайғамбаримиз айтганларидек хайр-эҳсон ойи-ку!

**Шаҳноза АКРАМОВА**

# ЭНДИ НИМА ҚИЛАМАН...

- Алло, бу “Оила ва жамият газетасими?

**- Ҳа, эшитаман.**

- Исмим Моҳигул, асли Қашқадарё вилоятиданман. Ўтган йили орзу-ҳаваслар билан Тошкентга ўқишга келганман. Умидларим саробга айланди, энди нима қиламан...

**- Йиғламанг синглим, гапиринг, юрагингиз бўшайди.**

- Йўқ, опажон, юрагим тўлмаган,юрагим ёниб кетаяпти. Оилада тўнғич фарзандман. Ота-онам обрўли,зиёли одамлар. Мактабда ўқиб юрган пайтимда тенгдошим Ўткир деган йигит билан қалин дўст эдик. Бора-бора дўстлигимиз муҳаббатга айланди. Иккаламиз ҳам бир касбни танладик ва Тошкентга ўқишга келдик. Муносабатларимиз дўстона, жуда самимий, бир-биримизга ака-сингилдай суяниб қолдик. Янги ўқув йили бошланишида Ўткирнинг иши чиқиб қолмаганида шу надоматлар бўлмасиди?

**- Сизни шунчалик куйдирган, йиғлатаётган воқеа нима экан?**

- Автобусдан тонгга яқин тушдик. Тонг ёришса кейин ётоқхонага борарман, деб бир бурчакда юкларим устида ўтирсам, қўлида машинанинг калитини ўйнатиб, 25-26 ёшлар чамасидаги бир йигит ёнимга келди, борар манзилимни сўради. Йўли ўша томон эканини,автобус нархида олиб кетишини айтиб жавобимни ҳам кутмай, сумкаларимни кўтарди. Мен соддагина йўлим юришганидан боладай суюниб машинасига бориб ўтирдим. Гаплашиб кетдик. Қаерда ўқишимни, қаердан келиб қаёққа боришимни эринмай суриштирди. Бу орада: «Аммамнинг уйига кириб чиқай»,- деб бир ханадонга кириб кетди. Кейин, кейин ҳаммаси кутилмаганда содир бўлди... - қиз йиғлай бошлади.

**- Нима бўлди, Моҳигул?**

- Кўйлагингизнинг этаги чиқиб қолибди-ку! - деб орқа эшикни очди-да, кутилмаганда бурнимга кучли ҳидли нам латта босди. Кейин нима бўлганини билмайман. Кўзимни очсам сочларим ёйилган ҳолда кимсасиз далада бир эски тўшак устида ётибман. Нима бўлганига ақлим етмай бошимни чангаллаб узоқ ўтирдим. Тилла занжирим, зирагим - ҳаммасини олиб кетган. Бироз ўтиргач ҳушимга келдим ва шундагина даҳшатли вақеа содир бўлганини англагач сочларимни юлиб додладим, юзларимни тимдалаб қонталаш қилдим.

**- Ҳозир қаердасиз?**

- Хонамдаман, дугоналарим дарсга кетади. Хонамнинг ичидан беркитиб олиб, кечгача ёстиқни юзимга босиб ётаман. Ҳар куни Ўткир келиб эшикни тақ-қилатади. Очмайман, ялиниб-ялиниб қайтиб кетади.

**- Қачонгача эшикни беркитиб ўтирмоқчисиз?**

- Билмадим, яшашдан мақсадим, умидим қолмади...

**- Наҳотки ўзингиз тўғрингизда шунча гапириб берибсиз-у, ҳайдовчининг исмини ёки машинаси рақамини билмаган бўлсангиз?..**

- Йўқ, қоронғуда машинанинг рангиям, номериям, қанақа эканлиги эсимга келмабди. Билганимда-чи, ўша номардни никоҳига ўтармидим?

**- Ички ишлар бўлинмасига хабар берганингизда жиноятчи жазосини оларди.**

- Опажон! Ҳаммасини ўйлаб кўрдим. Эл орасида ўзимни шарманда қилиб, овоза қилмоқчи эмасман.

**- Синглим, қиз бола учун онадай дўст, онадай содиқ кимса бўлмайди. Онангизнинг бағрига бошингизни қўйиб “тўкилсангиз”, бироз ўзингизга енгиллик бўлармиди, дейман-да!**

- Йўқ, дилимни енгиллатиб, онамни надоматга қўйишни истамайман. Бу иснодни улар кўтара олмайди, бундан кўра ўлганим яхши...




**- Моҳигул, тўғри, ҳозир сизга жуда оғир. Муштдеккина юрагингизга ҳасрат солган бу қабиҳлик, ҳар қандай одамни ҳам сизнинг ҳолатингизга солиши аниқ. Бироқ, қачонгача дунёдан узилиб яшаш мумкин? Одамнинг тафтини одам олади-ку. Онангизга ёки бирор яқин дўстингизга “ёрилмасангиз”, овоза бўламан деб ёмоннинг жиноятини яширсангиз, юзингизни юз кун босганингизда ёстиғингиз сизни нимадан халос қила олади? Кўз ёши қачон одамга малҳам-у, кор бўлолган, сингилжон! Шўр қисматни гурзиси урилган бўлса-да, бошингизни баланд кўтаринг! Сизни гуноҳсиз гуноҳкорга айлантирган ўша номардни сувратини хаёлан чизиб, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга мурожаат қилинг! Ота-онангиз ҳам, дўстингиз Ўткир ҳам сизни тушунишига, ёрдам беришига ишонаман. Бу ёлғон дунёда қилинган ҳар бир гуноҳ жазосиз қолмаганидек, дарду-аламга қилинган сабр ҳам Яратганнинг мукофотига сазовордир.**

***Сиз Моҳигулга нима деган бўлардингиз, азиз газетхон!***

**МУНАВВАРА**

## ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# ҚИЗИМГА УЙ ОЛИБ БЕРАЙМИ?

Ишга келаётиб таҳририят йўлагида мени икки аёл кутиб турганини кўрдим. Ёши катта аёл онаси бўлса керак, беш-олти ёшлардаги бир қизалоқни қўлидан ушлаб олганди. Ёшгина, лекин анчагина ҳорғин кўринаётган жувон эса оёқлари орасига (оёқлардаги туғма нуқсонни тузатиш учун қўйиладиган) шина қўйилган қизалоқни кўтариб турарди. Уларни хонага таклиф қилдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

- Э, айланай! Аҳволимизни сўраманг! Мен Қумри опаман, қизимнинг исми эса Насибахон. Асли Чирчиқданмиз.Шу қизимнинг турмуши мени адойи тамом қилди. Ўтган йили ҳам келишмай юришганди. Қайниси уйланадиган бўлди-ю, яна эри билан яраштиришди. Мен ҳам бундан жуда қувондим. Бироқ, ҳаммаси вақтинча экан!

Қудаларим икки хонали уйда яшашарди. Куёвимдан ташқари уларнинг яна бир ўғли бор эди. Ана шу кичик ўғли ҳам уйлангач, шундоқ ҳам тор уй янада торайиб қолди. Қайнона билан қайнота эса балконга жой қилиб яшашади. Катта хонада янги келин, кичигида эса қизим, эри, болалари ва қайнсинглиси билан жойлашишган. Жой тор, одам кўп бўлгандан кейин гапдан-гап чиқади-да. Куз келиб совуқ кунлар бошлангач, қайнонаси жанжал бошлабди. Сабаби қизим болалари билан кетса, улар ичкари хонага жойлашишади. Куёв эса ҳали ёш, балконда ётаверади. Мана, кичик қизчаси ногирон туғилган. Куёвим ота бўлиб ҳали бирор марта қўлига ҳам олган эмас. Ахир норасида гўдакнинг айби нима?

**- Ҳозир қизингиз қаерда яшаяпти?**

- Яна меникига ҳайдаб юборишди. Қайниси уйлангач энди қизимга жой йўқ эмиш. Ўзимнинг ҳам уйланадиган ўғлим бор. Ахир келин олишим керак. Лекин қизимни ҳам иккита боласи билан кўчага ҳайдаб чиқара олмайман-ку. Менга алам қиладигани шуки, қудаларим бир марта бўлсин набираларини эслашмайди. Худди қизим унинг уйига иккита боласи билан боргандек уни силтагани-силтаган.

**- Куёвингиз ва қудаларингиз билан бу ҳақда гаплашиб кўрмадингизми?**

- Гаплашдим, лекин улар тайинли бир гап айтишгани йўқ. “Нима ҳам қилардик, ахир уйимиз тор-да. То вақти келиб бирор хонали уй олгунларича алоҳида яшаб туришгани маъқул. Сизнинг уйингиз кенгроқ, тўрт хонали-да. Келин олсангиз ҳам иккита хонасига оларсиз, иккитасида эса қизингиз яшаб турар”, - дейишдан нарига ўтишмади. Ахир мен қизимни узатганимда улар катта-катта ваъдаларни беришганди-ку.

**- Куёвингиз билан қизингиз ижарага чиқиб яшашса бўлмайдими?**

- Қани эди қудалар кўнса? Агар улар ижарага чиқиб кетишса мен ҳам қараб турмасдим. Ёрдам берардим. Менга қизимнинг уйимда яшаганидан ижарада яшагани минг марта яхшироқ. Чунки кимникига совчиликка борсак қизим ҳақида эшитишиб, иккиланиб қолишади. Болалари катта бўлиб қолса, ўзи ҳам ишга чиқиб кетарди. Касби бор, у ҳисобчи-иқтисодчи касбини эгаллаган. Рўзғорини эплаб кетишига ишонаман. Зарур бўлса уйда ҳам ишлаши мумкин. Ҳозир ҳам фирмалар ҳисоботларини қилиб пул топаяпти.

Лекин ҳозирча қизим шўрликка ёрдам керак. Ҳеч бўлмаса ногирон қизини даволатиб олса, майли эди. У ҳам боғчага борарди. Куёвим ҳам оиласини эмас, балки ота-онасини ўйлайди. Оилани эплай олмас экан уйланиб нима қиларди? Ахир ҳаётда ҳамманинг оиласида ҳам муаммолар бўлади. Эру хотин аҳил бўлиб, бир-бирини қўлласа ҳаммаси ортда қолади, шундай эмасми? Кеча куёвнинг холаси келиб бир гап айтиб кетди. Қудалар: “Онасининг уйи тўрт хона. Агар уни сотиб қизига уй олиб берса, унда ўғлимиз келин билан яшайди”, - дейишганмиш. Бу нима деган гап? Ҳам қизимни бериб, ҳам уй олиб беришим керак эмишми? Ахир уйни раҳматлик эрим олган бўлса...

***- Қумри опа куйиниб гапираркан, охирида йиғлаб юборди. Уни тушундик.***

***Қумри опа, қизингизни эри билан зўрлаб яраштирмаганингиз маъқул. Имконингиз бўлса болалари оёққа тургунча қизингиздан ёрдамингизни аяманг. Ўйлаймизки, ҳунарли инсон ҳеч қачон хор бўлмайди.***

***Азиз мухлис, бу борада сизнинг фикрингиз қандай?***

**ГУЛБАШАКАР**

# “СЎЗ ЯРАСИДАН КЎРА”...

**Икир-чикир. Лекин...**

Хушмуомилалик ва ширин сўзликда гап кўп. Аммо кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган бир ҳолатни сизга ҳавола этмоқчиман. Эрталаб кайфиятим яхши. Ҳаво ҳам илиқ. Умуман ҳаммаси жойида эди. Тирбанд автобусга чиқдим. Тасодифан бир қизнинг ёнидаги ўғил болага қарата айтган гапи мени ҳам, атрофдагиларнинг ҳам асабини бузди;

- Оёғимни босдинг, ҳўкиз, кўзингга қарасанг ўласанми,кўз борми ўзи?

Шунга ўхшаш бепаравоз гаплар давом этди... Билмасдан шошиб қизнинг оёғини босиб олган бола ҳам қизиққон эканми, ё унга қарата айтилаётган гапларни тўхтатмоқчи бўлди шекилли:

- Эй, манга қара, нима девоссан сан ўзи, жа индамаса, ман ҳўкиз бўлсам сан ғунажин, билдинг?!

- Ўчир овозингни яхшиликча, ё башарангни безаб қўяйми?- давом этди қиз.

-Қўлингдан нима келади? Қўрқитвотсанми,ҳарип?...

- Ҳозир дадамга телефон қилсам, сани йўқ қилиб юборалла,биласанми дадам ким?- деди қиз.

- Ким экан дадаси, билмаймиз?-қўлини бир-бирига қовуштирди бола.

- Эй, бор йўқол, кўзимга кўринма, - деди қиз.

- Дадангни кимлигини айт, билиб олайлик, шунча бойвучча бўлсанг нега автобусда юрибсан? “Маска”!. Юзингга бир қара, ҳамма краска бор.

-Сан мани юзим билан ишинг бўлмасин, - дея ғазаблана бошлади қиз.

Бу иккаласининг муомиласидан, шовқиндан ҳамма хижолат бўла бошлади. Шунда ўтирган 30-35 ёшлардаги эркак:

- Бўлди қилсаларинг-чи, уялмайсизларми? Қарасам иккалаларингиз ҳам ўқийсизлар ўқишда-я... Иккалангиз ҳам бир-бирларингизни таништирдингизлар бизга, яхши, билиб танишиб олдик, уят-э...

- Ўзини кўрмайсизми, оёғимни босиб олиб яна...

- Нима, ман билиб босиб олибманми, кўзим учиб турганмиди санга?- деди ўғил бола ҳам.

- Синглим, кўриб турибсиз, автобус тиқилинч, шунга билмасдан оёғингизни босиб олган-да. Шунга шунча қўпол муомила қилиш керакми, сиз қиз бола-я!

Ҳалиги киши насиҳат этишда давом этди. Энсаси қотган икки ёш ойнага тикилганча келаверарди. Сўзлашув санъати ҳам катта истеъдод талаб қилар экан”. Сўз ярасидан кўра, тиғ ярасини даволаш осон”, - деган экан испан адиби Педро Кальдерон. Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи даркор. Яхши сўз-эзгулик уруғи. Барчамизда бисёр, ҳамма вақт топилади, етарли.

Шундай эмасми, азиз юртдошим?

**З. ҒАФФОРОВА**

# ОТАНГ ДУОСИНИ ОЛ...

Мақолани ўқиб, Юсуфжоннинг ҳаёти, ёшлиги, ўспиринлиги кино лентасидек кўз ўнгимдан ўтиб, кўзларимдан тинмай ёш оқди. Мен эса бобом ва бувимнинг қўлида бўлганман.

Юсуфжон! Сенинг ҳаётингни ўқиб, юқоридаги воқеалар - умр дафтаримдаги ўтмишимни ёдимга тутди. Онаизоринг сени ҳеч кимдан кам қилмай ўстирибди. Минг раҳмат у кишига! Отанг эса номардлик қилибди. Онажонинг кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ҳалол меҳнат қилиб, сени вояга етказиб, уйлантирибди. Жонингдан ҳам азиз қизалоғинг бор экан. Обрўли лавозимда ишларкансан. Онажонинг тезда тузалиб кетиши учун қўлингдан келганча ҳаракат қил. Онажонингнинг дуоларини ол. Агар отанг билан ярашгин, десалар ярашгин Юсуфжон! Ҳар бир инсон ҳам ҳаётда хато қилади. Бу бевафо дунё ўткинчи. Мусулмон фарзандисан. Тарихга назар ташласак, кўп кишилар хато қилганлар. Ўз даврининг етук кишиларидан бири Аҳмад Югнакий қуйидаги мисраларни ёзиб қолдирган.

*Отадан хато келса, кўрма хато,*
*Савоб бил, ҳаттоки қилса хато.*
*Отанинг хатосини билгил савоб,*
*Сени юз балодан қутқаргай худо...*

... Ҳа, Юсуфжон! Отанг қилган хатосини кечиргин. Унинг сўзларига қулоқ сол. Меҳрибон онаизоринг ҳам сендан рози бўлади. Отанг билан яккама-якка суҳбатлашгин. Албатта у ҳам ҳозирги кунларда виждонан қийналаётгандир. Ўзидан ўтганини ўзи билади. Сен энди отангни топганингда гаплашмай юрсанг, унинг бир дарди ўн дард бўлмайдими?




Шу мақолани ёзарканман, бир воқеа эсимга тушди. Анча йиллар аввал тоғам билан Ленинград ва Москвани томоша қилиб қайтмоқчи бўлдик. Аэропортга келдик. Бухорога 2 та билет олдик. Бир-икки соатдан сўнг самолётимиз учиши керак эди. Шу пайт ўрта ёшлардаги бир рус аёл бизларни ёнимизга келди. Бухорога кетишимизни билиб менга мурожаат қилди.

- Мана бу ўғлим ҳозир 18 ёшда. Отаси Бухоронинг Пешку туманида яшайди. Шуни отаси билан учрашишига ёрдам беринглар,- деб илтимос қилди.

Ўғли билан танишдик ва албатта учраштиришга ваъда бердик. Бухорога учиб келдик. Аммо аэропортга у рус йигитининг отаси кутишга чиқмади. Биз таксига ўтириб, суриштириб болани отасининг уйига олиб бордик. Чақирдик. Аёли чиқди. Эрини сўрадик. У маст, гандираклаб аста чиқиб келди. Мен бўлган воқеани йигитнинг отасига тушунтирдим. Шунда у йиғлаб юборди. Ҳақиқий воқеа бундай бўлган экан. Йигит Москвада хизмат қилганида уйланган экан. Сўнгра қайтиб бормаган экан. Ўғли отасининг ўзи эди. Қош-кўзлари қора. Фақат рус тилида сўзлашарди. Эшитишимча йигит бир ҳафта туриб, яна ўз онаси ёнига қайтиб кетибди.

Ҳа, Юсуфжон ҳаётда бундай воқеалар учраб туради. Хато қилган бўлса ҳам у сенинг отанг.

Сен ажойиб касб эгаси экансан. Отанг билан яхшилаб суҳбатлашгин. Борди-келди қилинглар. Шунда қалбинг осойишта бўлади. Доимо ишларинг ривож топади. Онаизоринг ҳам сендан рози бўлади.

**Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ,**
**Бухоро вилояти,**
**Ғиждувон тумани.**

**“Мен отам деб йиғлаганимда...” 5-сон**

**ЭСЛАТМА: Ёшлигимда отам онамни ташлаб кетган экан. Мени онам катта қилган. Институтни битириб ички ишлар идорасида ишлай бошладим. Кейинчалик бошлиғим отам эканлигини билиб қолдим. У келиб онамдан кечирим сўради. Онам эса отам билан ярашишимни истайди. Нима қилай, отамни кечирайми?**

**Муаллиф: Гулбашакар.**

Инсон борки, ҳамма вақт бахтга, яхши кунларга интилиб яшайди. Умидли кунлар орзуси ҳар бир кўнгил тилаги бўлса, не ажаб? Лекин, бир кам дунё деганларидек, ҳамиша ҳам тақдиримиз биз истагандек, фақат қувончли кунлардан иборат эмас-да! Синган пиёлани чегалаб бутласа бўлар, бироқ кўнгил дарз кетмасин...

Беваликнинг дардини, етимликнинг нелигини бошидан ўтказганлар билишади...

Лобар ён қўшним, бир ўғил, бир қизнинг онаси. Ҳамшира, қўли гул тикувчи, моҳир пазандалиги билан маҳалламиздагиларнинг оғзига тушган.

Бундан уч ой аввал у қизини онасиникига жўнатиб юборди. Ироадаям бамаъни, оғир-босиқ қиз.

Ажабланганимни сезиб, онаси кўзига ёш олди: “Қўшни, ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Нима қилай, чорасиз қолдим! Биласиз, бу иккинчи рўзғорим, эрим қизимни чиқиштирмаяпти. “Уйимдан кетсин”, деб жанжал қилди. У-ку, ота меҳрини кўрмади, энди она меҳридан ҳам жудо бўлди! Юрагим адо бўлди...

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Лобар: “Эримдан ажрашаман”, деб қолди. Судга бориб, ариза ҳам бериб келди. Уч хонали уй сотилиб, икки хона икки боласи билан Лобарга, бир хона эса эри учун харид қилинадиган бўлди.

Қариндош-уруғлар охирги кунгина хабар топишиб, эр-хотин ўртасидаги низонинг олди олинди... Аммо! 12 ёшга кириб, оқ-коранинг фаҳмига етиб қолган Ирода отасининг қилмишларини кечиролмади - бу уйга келишни истамади. Лобар ҳозир ҳам аросатда қолган. Меҳрсизлик жудаям ёмон. Меҳрнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди! Иродага ўгай ота бермаган меҳрни ҳозир бобоси-бувиси, тоға-холаси бермоқда. Мен Юсуфнинг қалб кечинмаларини, қалбидаги оғриқни яхши тушундим. Бироқ! Хом сут эмган бандамиз, ҳаммамиз ҳам хато қиламиз. У онаси учун ҳам отасини кечириши зарур, деб ўйлайман.

Гарчанд, тиғ ярасидан тил яраси оғир бўлса-да, она розилигини олиш учун Юсуф шу йўлни тутиши керак.

**Ф. ТОҲИРОВА**

# ТУРМУШ ТАЪМИРТАЛАБ БИНОДИР

Ҳаётда ҳар бир инсон ўзига жуфт танлаши осон эмас. Чунки у кўйлак ё бўйинбоғ танлаш эмас-да. Бозорга бориб, оддий кўйлак олмоқчи бўлсак ҳам уни роса танлаймиз. Рангини, тикилиши-ю, ювганда сифати бузилмаслигини, обдон текшириб кўриб, харид қиламиз. Хўш, турмуш ўртоқ танлаш-чи? У сизу бизнинг иккинчи қалбимиз, иккинчи кўзимиз, кексайганда суянчиғимиз, ҳаётнинг баланд-паст, ўнқир-чўнқир йўлларида бир-бирига ҳамдард, ҳамфикр йўлдошимиз. Фарзандларимизнинг меҳрибон онажониси ё дадажониси ҳаммиз. Келажагимизни тасаввур этинг, бундан 20-30 йилги кейинги ҳаётимизни ҳам кўз олдингизга келтиринг. Доимо ҳам шундай ёш, гўзал, кучли бўлиб юрмаймиз.

Турмуш қуриш биз ўйлаганимиздан юз чандон мураккаб жараён бўлиб, у ҳар куни таъмир талаб бўлиб тургувчи бинодир. Инсон ҳаёти табиатга ўхшайди, жазирама иссиқлари, қаҳратон совуқлари, чангалзору, тоғу тошли, машаққатли йўллари, сўқмоқлари бор. Ўзаро ҳурмат, муҳаббат асосида қурилган оила ҳар қандай қийинчиликларга бардош бера олади. Қуруқ ҳавас ва қизиқиш билан қурилган оила биринчи қийинчиликлардаёқ чил-чил синади, завол топади.

Оилавий ҳаётда рўй бериб турадиган майда-чуйда кемтикларни фақат кучли муҳаббатгина текислаб кетиши мумкин. Ҳаё, иффат инсонийлик фазилатлари ҳақиқатан ҳам оддийликнинг асли ҳисобланиб, ўтда куймайдиган, сувда чўкмайдиган муқаддас туйғудир.

Ҳаё ўзининг бўй-бастини кўпроқ хотин-қизларда намоён этади. Ўз ўрнида эркакларда ҳам ҳаё бўлмоғи лозим. Муҳаммад Пайғамбаримиз ўз ҳадисларида: “Кимки одамлардан ҳаё қилмаса—у Тангридан ҳам уялмайди”, деб таъкидлаган эканлар. Эркакларни сеҳрлаб қўядиган жиҳатимиз ҳам, мафтункорлигимизни оширадиган, шоир қаламини йўрғалатиб, рассом мўйқаламини ўрмалатадиган ҳам ҳаёмиз! Сукроти Ҳаким айтганидек:

“Хотинларнинг энг гўзали хаё ва иффат пардасига ўралганидир”.

Лекин шу билан бирга, аёл ҳаёси жуда-жуда мўрт, ниҳоятда нозик ҳамдир. У сал нарсадан дарз кетади. Аёл салгина баландроқ овозда гапирса ҳам ҳаёсига путур кетганлиги, кулиши меъёрдан ошса, қусур бўлиб туюлиши табиий. Биров-бировнинг синаб, билиб, камчилик ва ютуқларини баҳолай билишида гап кўп. “Эр-хотин, деб ёзади жаҳон классикларидан бири Оноре-де Бальзак, - ёстиқдош бўлгунларигача бир-бирининг одатлари, феъл-атворини мукаммал ўрганмас экан, уларнинг турмуши бахтли бўлмайди”. Француз адиби Мадин Спюдори эса: “Никоҳга қадар ҳамма нарсага кўзларини катта очиб қарашлари ва никоҳдан кейин эса “баъзан кўриб кўрмаганга олишлари керак”, деган.

**“Жуфт топиш осон эмас”,-8-сон**

**ЭСЛАТМА: Уйланиш учун қизларнинг кўпи билан гаплашдим. Бири ибосиз бўлса, бошқаси нуқул топиш-тутишимни, уй-жойим қай аҳволда эканлигини суриштиради. Ота-онам эса тезроқ уйланишимни истайдилар. Наҳотки, ўзимга мос, ақлли, одобли қизни топа олмасам?**

**Муаллиф: Гулбашакар**

Мақолани ўқидиму кўз олдимда талабалик даврим гавдаланади. Ўша йиллар ижарада 13 та қиз билан бир ҳовлида опа-сингилдек аҳил-иноқ бўлиб яшардик. 13 та қиз, 13 хил феъл-атвор, 13 хил дунёқараш... Бирини кўриб билмаган ишини ўргатган бўлсам, бирининг очиқ-юз, яхши хулқ ва донолигидан, озодалигидан ўрнак олдим. Аммо “айрим”ларидан кўнглим қолди.

Орамизда олифта бўлиб юриб, уйда эса ишлари пала-партиш, коса-товоғини ювиб ололмайдиган, пайпоғи ё тугмасини қадаб ололмайдиганлари ҳам бор экан. Кулмадик, ўргатдик ўзига олганича, олмагани эса ўз билганидан қолмади. Қиз бола ҳеч бўлмаганда ота-она қўйган исмга лойиқ бўлиши керак.

Онам доимо: “Аёл киши ўқиб тугатилмаган китобга ўхшаши керак. Агар эркак киши хотинининг барча сир-синоатини билиб олса, у ўқилган асардек кейинчалик қизиқиш уйғотмайди”, дер эдилар.

Гулнора исмли қиз ўта гапдонгина эканми, балки сизни ўзига яқин олиб, бор йиғилиб қолган дардларини айтиб олгандир? Мавлудахонга келсак, наҳотки учрашувга сотка билан бориш “мода” бўлса. Ўзини кибор хонимлардек тутибди-ю, аммо оғзидан сўкиш чиқариб, барчасини ювиб юборганини ўзи ҳам сезмасдан қолганини билмай қолибди-да!

Зилолахонга келсак, умуман бошим қотди. Ҳеч танимаган, етти ёт бегона йигитни биринчи кўришдаёқ белидан тутиб, бўйнига осилиши... Ахир бу иснод, уят-ку!

Инсон умид билан яшайди. Ҳамиша умид билан яшамоқ, ҳеч қачон тушкунликка берилмаслик чинакам мард одамнинг фазилати. Кўпроқ атрофга эътиборли, кузатувчан бўлинг.

Шошмасдан обдон ўйлаб, ўзингизни ва келажагингизни ўйлаган ҳолда иш тутсангиз ҳаммаси яхши бўлади. Тез кунда яхши, оқила ва фаришта маликангизни топасиз, деган умиддамиз.

Ниятни ва тилакни яхши қилинг. Сизга омад ва бахт тилайман.

**Зебинисо ҒАФФОРОВА.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



Набирамиз ЖАҲОНГИРЖОН!

Туғилган кунинг билан табриклаб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, Ватанимизга содиқ фарзанд бўлишингни тилаймиз.

Доданг ва катта ойинг.



Аяжоним МУҲАББАТХОН!

Таваллуд айёмингиз билан чин юракдан муборакбод этаман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Ўғлингиз Миржаҳон



Қизалоғимиз ШАҲОДАТ!

Туғилган кунинг муборак бўлсин! Умринг узоқ, бахтинг баркамол бўлсин. Сенинг бахтингни, камолингни кўриш бизга насиб этсин.

Ойижонинг Марҳабо

Адажонимиз Одилжон ИСМАТУЛЛАЕВ!

Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Бахтимизга доимо соғ бўлинг.

Ўғлингиз Шуҳратжон.

Набирамиз ШАҲЗОДЖОН!

Беғубор 5 ёшга тўлишинг билан табриклаймиз. Илоё, ақлли, ота-онангга меҳрибон бўлиб улғайгин.

Бобонг Қурбонбой, бувинг Ҳалима.

Онажонимиз Бувсара АҲРОР қизи, АҲМАД, НИҒМАТ ва ШОИРАХОН!

Сизларни таваллуд айёмингиз билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлиб, узоқ умр кўриб юринглар.

Яқинларингиз

## ЯХШИЛИККА САДОҚАТ



Кутлов

Дунёда садоқатли, меҳрли дўсту биродарларни қутлашдан-да эзгу иш, қувонч бўлмаса керак. Бугун 50 ёшга тўлган укам Носиржон Мўминовни қутлар эканман, оиласига, фарзандларига самимий тилаклар туҳфа этаётганимдан шодман.

Оллоҳ берган умрни орзу-ҳаваслар, меҳнату интилишлар билан ўтказиш, оқил фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш ҳар бир ота-онанинг бахти, саодатидир. Оилада оқил фарзанд бўлиб улғайган Носиржон ҳамиша эл хизматида, ака-укалари, опа-сингиллари, қишлокдошлари, дўстларига эътибори билан барчанинг меҳрини қозонди. Яхшиликка садоқати билан танилди. У қаерда ишламасин тадбиркорликни одамийлик билан, ҳиммат билан боғлаб, замондан ортда қолмаслик, ғайрат ва билимни ҳаётининг мазмуни деб билди ва шунга амал қилди.

Айни камолот - улғайиш ёшини қаршилаётган дўстимиз Носиржонга Оллоҳдан соғлик, хайрли умр тилаймиз. Унга фарзандлари камолини кўрищдек улкан бахт насиб этсин...

**Ражаббой РАУПОВ,**
**Шофиркон тумани.**

## АБДУРАҲМОН хусусий шифохонасида

### ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:

1. Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
2. Аллергик вазомотор ринитлар.
3. Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
4. Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси" сабаби аниқланмаган йўтал.
5. Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
6. Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
7. Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32а уй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**

**Учтепа тумани, О. XOSHIM кўчаси 14 уйда фаолият кўрсатаётган (2007 йил 19 июнда рўйхатдан ўтган) «DON FURKON» хусусий корхонаси 2007 йилнинг 18 сентябридаги 1-сонли буйруққа асосан ўз хоҳишига кўра фаолиятини тугатади. Даъволар 2 ой давомида қабул қилинади.**

**ТЕЛ: 406-62-67**

# БУВИМНИНГ ДУОЙИБАДИ...

Қорақалпоғистонлик Бибигул бувини маҳалламизда ҳамма яхши кўради. У жуда доно, меҳрибон, кўп қизиқарли воқеаларни сўзлаб беради. Қаттиқ жала ёғиб, Бибигул бувининг тандири ағанаб тушди. Шундан сўнг улар нон ёпиш учун бизнинг уйимизга чиқадиган бўлишди. Одатдагидек, хамирини қориб чиқиб, тандиримиз остига бир қучоқ ўтин олиб келиб ташлаган бувини онам чойга чақирди.

Анча чарчаган эканми, буви келиб супадаги кўрпачага ўзини ташлади. Бир оз дам олгач, онам узатган кўк чойни ҳузур қилиб ҳўплаб, бўрилар ҳақидаги бир воқеани гапириб берди.

- Бувам бувимни ёшлигида ҳам, кексайиб қолган пайтида ҳам жуда кўп урар, уйдан ҳайдаб чиқараркан. Бир куни, айни қишнинг изғиринли кунларида бувам яна ичиб келибди. Бувим кичик ўғлининг фарзанди, яъни, дадамни энди бешикка боғлаб, ухлатиб, чой ичмоқчи бўлиб турганида, эшик тақиллабди. Аксига олиб шу куни уйда ҳеч ким йўқ, келини билан ўғли бемор онасиникига ётиб қолиш учун кетишган экан. Бувим ўрнидан туриб эшикни очибди. Бироқ, бундан бувамнинг жаҳли чиқиб:

- Эшшак, нега кеч очасан?- дея бувимни тепибди. Сочларидан тортиб, изғирин эсиб ётган ташқарига олиб чиқиб ташлабди. У битта кўйлакда, эридан буни кутмаганлиги учун нима қилишини билмай эшикни роса тақиллатибди. Деразадан қараса, бувам уйнинг ўртасига узала тушиб, ухлаб қолганмиш. Катта набираси ухлаган бўлса-да, бешикдагиси чириллаб йиғлармиш.Бунинг устига кун жуда совуқ, оёқларидан совуқ ўтиб кетган бувим эса ҳовлида югура бошлабди. Совуққа эса сира чидаб бўлмасмиш. Кейин ошхонага кирибди, яхшиямки ерга кигиз тўшалган экан. Совуқ жон-жонидан ўтиб кетган бувим кигизни олиб ўралиб олибди. Шу алпозда тонг оттирибди. Бувам эшикни очиши билан ичкарига отилиб, бешикда бўғилиб ётган набирасини ечиб олиб, оғзига дарҳол сут илитиб тутибди. Бувам эса яна сўкишни бошлабди. Йиллар давомида, ҳатто келинларининг олдида ҳам ноҳақ хафа қилинган, калтакланган бувим ўша куни алам билан йиғлаб, бувамни дуойибад қилибди:

- Илоё, йўлда изғиган оч бўриларга дуч келгину, мени урган қўлларингни, ноҳақ сўккан тилларингни битта қолдирмасдан ғажиб ташлашсин! - дея қўлларини дуойибадга очибди.

Кийиниб ташқарига чиқиб кетаётган бувам тўхтабди. Қўлидаги арқон билан қулочкашлаб бувимнинг елкасига яна бир-икки марта туширибди. Сўнг кўчага чиқиб кетибди. Шу кун оқшомда қишлоққа бўри оралабди. Бувам қўлига милтиғини олиб ҳовлига чиқибди. Қўйхона томига бостирилган пичанга суяниб, тонг оттирибди. Тонг саҳарда эса қўрага яқинлашган катта бўрини отиб ўлдирибди. Сўнг бўрини ҳовлига судраб келиб, бувимни чақирибди-да, дебди:

- Кўрдингми, мен бўриларга эмас, бўрилар менга ўлжа бўлди, кўриб қўй. Сенинг дуойинг тескари бўлди, - дея кулибди. Бувим индамай дардини ичига ютибди. Орадан бир ҳафта ўтибди, устма-уст ёққан қорнинг дастидан йўлларни қор босибди. Бувам айни шу кунларнинг бирида қўшни қишлоқдаги дўстининг уйига кетибди. У дўстининг уйида бир кеча ётиб, эртасига кун оққанда йўлга чиқибди. Йўлда у дўконга кириб, бир шиша арoқ олибди. Шу ерда бир ошнаси билан ичишиб, анча гаплашиб қолишибди.

Шундай қилиб, гупиллатиб ёғаётган қор остида бувам йўлга чиқибди. Сойликдан ўтиб, икки томони қалин қор билан қопланган, тоққа туташиб кетган йўлдан ўтиб бораётганда рўпарасида чўнқайиб ўтирган итни кўрибди. Яқинроқ бориб қараса, ундан сал нарида яна биттаси турганмиш. Бувам тўхтамасдан олдинга юраверибди, кучуклар эса беш олтита бўлибди. Қараса... Улар кучук эмас, бўрилар эмиш... Шундан сўнг уларнинг каттаси бувамга қараб ташланибди. Бувам эса бўриларни темир ҳассаси билан орқа-олдинга қарамай ура-ура олдинга юришга ҳаракат қилибди. Улар бувимнинг эгнидаги, этаги ерга тегадиган, қўй терисидан тикилган пўстинининг этакларини тилка-тилка қилишибди.



ҒАРОЙИБ

Охири бувам устидаги пўстинини ечиб ташлаб, югура бошлабди. Уйга яқин қолган экан. Овозининг борича бақира бошлабди. Бўрилар эса бувамнинг оёқларидан тишлаб, шимининг почаларини эса тилкалаб ташлаганмиш... Яна бири эса елкасига сакраб, ғажишга тушибди. Бувам қонга беланган ҳолда дарвоза ёнига келибди-ю, йиқилибди. Ити Олапар эса бўриларга ташланишга қўрқиб, бор овози билан айвонда туриб акиллай бошлабди.

Итнинг овозига амаким уйдан милтиқ олиб югуриб чиқибди. Уни бир-икки тарсиллатиб отган экан, бувамнинг устига чиқиб олиб тишлаётган бўрилар даф бўлишибди. Амаким дарвоза остида ётган бувамни кўтариб уйга олиб кирибди. Бувим эса дарҳол илиқ сув билан унинг танасидаги жароҳатларни ювиб, дори қўйибди. Бувам кўзларини аранг очибди-ю, "Дуойибад... Дуойибад... Бўрилар..."-деганича кўзларини мангуга юмибди. Бувим эса додлаб, бу унинг айби эканлигини айтибди-ю, хушидан кетибди.

**ГУЛБАШАКАР**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ҳафта давомида муҳим ишларингизни кўнгилдагидек ҳал қилиш учун жуда қулай имкониятлар туғилади. Яхши дам оласиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Ҳамкасбларингиз билан муносабатингиз яхшиланади. Кўпроқ жисмоний ишлар билан шуғулланинг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Фарзандларингиз билан кўпроқ мулоқотда бўлишингиз ва улар билан тил топишишга ҳаракат қилишингиз керак.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Бу ҳафтада бошлаган ҳамма ишларингизни кўнгилдагидек бажарасиз. Уй сотиш ёки сотиб олиш учун қулай ҳафта.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Сафарга чиқишингиз мумкин. Қўшниларингиз билан муаммо чиқармасликка ҳаракат қилинг. Қарз беришдан сақланинг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ушбу ҳафтада асосий муаммо маблағ масаласига келиб тақалади. Шунингдек, катта буюмлар харид қилишингиз мумкин.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Хизматга оид муносабатлар сизга каттагина муваффақиятлар келтириши кутилмоқда. Расмий учрашувларда иштирок этасиз.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Уй таъмирлаш ишлари билан шуғулланишингиз ёки дам олишингиз учун қулай имкониятлар пайдо бўладиган ҳафта.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Янги ғояларингиз амалга ошади. Кутилмаган ютуқларга эришасиз. Садоқатли дўстлар орттиришингиз эҳтимоли бор.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Йиғилиб қолган ишларингизни ниҳоясига етказиш анчагина вақтингизни олади. Аммо, бунинг натижасида анчагина маблағга эга бўласиз.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Ҳафтанинг охирида дўстларингиз билан дам оласиз. Бироқ, ҳафта давомида тер тўкиб ишлашингизга тўғри келади.

**БАЛИҚ(19.02 — 20.03).**- Бизнес соҳасида бироз омадингиз келмайди. Ҳамкасбларингиз билан кўпроқ мулоқотда бўлсангиз муаммоларингиз ҳал бўлади.

# ШИРИН СЎЗ: УНИНГ ҚАДРИНИ БИЛАСИЗМИ?

*Туриш-турмушимиз*

...Одатдагидек бекатда одам кўп. Биров ишга шошилса, яна биров ўқишга ошиқади. Бирин-кетин тўхтаб ўтаётган автобус томон кимдир қадамини тезлатса, яна кимдир соатига қарай-қарай "ўзиники"ни пойлайди. Кўпчилик бир-бирига нотаниш, балки илк бора дучлашаётгандир, балки бундан сўнг қайта ҳаёт уларни тўқнаш келтирмас. Назаримда, ана шу қисқагина "кутиш" фурсатлари ҳам ғанимат-у, чеҳралар-чеҳраларга, чеҳралар-чеҳраларда илиқ бир таассурот қолдиришга берилган имкониятга ўхшайди...



- Инсоф деган нарса йўғ-а... - Мункайибгина музқаймоқ қоғозларини тераётган фаррош кампирнинг ўз-ўзича тўнғиллаётгани хаёлимни бўлади. - Кеча шом чоғи чор-атрофни супуриб-сидириб, ариқчалардаги чиқиндиларни тозалаб кетгандим-да, сув ичибсан, идишини ахлат яшикка ташла...

- Шунинг учун ойлик оласиз-да, хола... - хушрўйгина қизнинг бу илмоқли гапи фаррош тугул менинг ҳам юрагимга ненидир санчгандек бўлди. Қошу киприклари кундуздай гўзал энди кўзимга совуқдан-совуқ кўринар, у эса чимирилганча ишида давом этаётган аёлга киnoяли қараб турарди. Шу пайт гапга одмигина кийинган опахон аралашди-ю, кўнгиллар ёришиб кетгандай бўлди.

- Тўғри айтасиз, болалар-болалигига боришгандир-да, яхшиям сизга ўхшаганлар бор. Ҳар куни кўчаларимиз топ-тоза, баҳри-дилимиз яйрайди. Савоб ёғилади амалларингизга. Раҳмат, раҳмат сизга, энди ёшларни кечирасиз-да...

Автобусда кетаяпман-у, опанинг орқасидан кулимсирабгина, енгил хўрсиниб, супургисини қўлга олган фаррошнинг ҳолати кўз ўнгимда гавдаланаверди. Бир оғиз ширин сўз, бунча гадоларинг кўп?-дейман, хаёлимда. Балки шу тотли калом ўша сулув қизнинг айтган гапидан уялтириб, фаррошнинг эса меҳнатига рағбат бўлгандир?

- Тур десанг ҳам ўрнидан қўзғалишмайди-я, нима бало урган буларни? - оғринганини яширолмайди орқа эшикдан чиққан отахон. - Ёшларимиз қандай тарбия олишяпти, ўзи?!

- Сизни кўрмай қолишибди-да. Кечаси билан дарс қилишганидан кўзларини уйқу элитгандирда. Бир эмас, иккаласи ҳам қўзғалишаяпти-ю, сиз аҳамият бермабсиз-да...

Кондукторнинг гапи билан икки томондаги ўриндиқда ўтирган йигит-қизлар баравариги ўрнидан туришади.

- Раҳмат болаларим, омадларингни берсин.

Отахоннинг бу дуоси аслида кимга айтилганини балки ҳеч ким илғамагандир. Лекин ўртадаги дил ҳижиллик кўтарилди. Йигит-қизлар негадир бу миннатдорчиликдан қизаришди. Балки бу хижолат улар учун бу тонгги бир сабоқ бўлиб қолар.

Ёмғирли кун. Бир соатлик тушлигидан ҳам кечиб, касалхонага шошилади ҳамкасабам. "Қизлари, келинлари бири келиб, бири кетиб, ҳеч ёлғиз қолдиришмаяпти, дейсиз. Эртага кўриб кела қоласиз, қўшнингизни", аяган бўламан уни. "Йўқ, бугун-бугунда. У киши бир оғиз ширин сўзга маҳтал. Менга керак пайти у киши кўп бора руҳий мададкор бўлганлар", йўлидан қолмайди у. Балки меҳр-оқибат аталмиш бебаҳо туйғуларни бир-бири билан маҳкам боғлаб турувчи куч ҳам аслида бир оғиз ширин сўздир. Кўнглингизнинг тарозусида тортиб кўринг-а, қарз деганда ҳамиша молу дунё хаёлимиздан ўтади. Эшитганимиз ширин каломни юрагимиз тафти билан ўраб, қайтармоқ қарзини нега ҳар доим ҳам адо этолмаймиз? Оилада ота-оналик, фарзанду аржумандлик, йўлда йўлдошлик, ишхонада касбдошлик, қавму қариндошлик, устозу шогирдлик... Эъзози ана шу бир оғир ширин сўздан кўкариб туришини ҳар доим ҳам ҳис этиб турамизми? Олимлар шундай тажриба ўтказишган экан: учта шиша идишга гуруч ва сув солиниб, уч хил муомалада бўлиниб, гуруч ва сувнинг ҳолати ўрганилибди. Биринчи идиш ёнига бориб, ҳар куни ширин сўзлар айтилибди. Иккинчисига онда-сонда назар ташланибди. Учинчисига умуман эътибор беришмабди. Натижа нима бўлибди, денг, биринчи идишдаги гуруч чунонам сувга тўйиниб етилибдики, кўриб завқингиз келаркан. Иккинчи идишга моғор оралабди. Учинчиси эса чириндига айланибди. Бу ҳаётий далил. Ҳатто турли неъматлар ҳам ширин сўздан нур эмиб туришининг бир кўриниши эмасми? Шундай.

- Бу боланинг бўлгани шу, - дейди ўқитувчи "тарбияси оғир" ўқувчисини директор хонасига бошлаб кираркан. Шунча уриндим, бўлмади.

- Мактаб раҳбари нима қарорга келади билмадим-у, бу ҳолатни кузатиб, менинг дилимни нимадир хижил қила бошлади. "Сиз шогирдингизни кашф этолмабсиз",- дея шивирлайди кўнглимдаги бир ишонч. Кўп нарсага уринибсизу, яхши гапни топиб айтолмабсиз унга.

Бола эдим, мактабимизга чиройли янга муаллима ишга келди. Қанча фаолият юритди, билмайман. Унинг соч турмаклашлари-ю, бир-биридан ажойиб тикилган либосларигача болаларча бир қизиқиш билан ҳавас қилардик. Унинг сумкасини кўтаришга қизалоқлар талашганимиз-талашган эди.

Шундай кунларнинг бирида дугоналарим билан яна у кишининг истиқболига югурдик. Юракларимиздаги беғубор меҳр нигоҳларимизда ёниб турарди. "Эй, нима мен сизларга, қўясизларми-йўқми?.." - деса бўладими муаллима заҳархандалик билан кутилмаганда. Ҳаммамиз турган жойимизда қотиб қолдик. Гўё у киши сўз эмас, муз парчаларини улоқтиргандек мурғак қалбимиз томон. Шу-шу унинг яқинига ҳеч биримиз йўламадик. Бошқа ерга ишга кетганини ҳам билмай қолдик. Балки бугун қиёфасини ёдимиздан чиқаргандирмиз. Лекин ўша ширингина талпинишимизга қайтарилган аччиқ сўз заҳри ҳеч-ҳеч унутилмади.

Яхши сўз ҳам садақа, ҳам мурувват, ҳам ҳадя ўрнини боса олади. Айни пайтда у ўзингизга қайтажак мукофотдир,-деган гапни кўп такрорлардилар устозларимиздан бири. Дарҳақиқат, бир оғиз ширин сўз минг бир мушкулот тугунини ечувчи амал, қутлуғ кунингиз эшигини очувчи остона эмасми? Яхши сўзнинг қадри баланд, балки бунга аминдирсиз? Йўқ, бир синаб кўринг-а!

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

# II. ҚИЗЛАРГА

Табиат сизга ўзингиз истаганчалик ҳусн ато этмаган бўлса, сиз ўзгаларнинг ҳавасини келтирадиган даражада латофатли ва оқила бўлинг

* * *

Суйганингизнинг асабини синамоқчи бўлсангиз учрашувга одатдагидан-да кечикиброқ боринг.

* * *

Умр шеригингизнинг ичкиликка тоби, ичгандан кейин ўзини қандай тутишига алоҳида эътибор беринг. Озгина отиб олгач, қувноқ ва дилкаш бўлиб қоладигани ёхуд ухлаб қоладиган бўлса уни қўлдан чиқармаганингиз маъқул.

* * *

Сиз бегона жойга боряпсиз. Янги оиладагиларнинг кўнглига йўл топиш биринчи қадамингиздан, илк бора тилга олган каломингиздан бошланади. Тилингизнинг ширинлиги турмушингиз ширинлигининг мезони эканлигини унутманг.

* * *

Турмуш қурмоқчи бўлган паҳлавонингизнинг укаларига ёҳуд жиянларига, умуман, болаларга қандай муносабатда бўлишини кузатинг. Агар болапарвар бўлса, этагини маҳкам ушланг, адашмайсиз.

* * *

# БАХТ КАЛИТИ

*Насиҳат ўрнида*



Ўртоғингизнинг одатларини яхши билмасдан туриб бирон гап айтишдан эҳтиёт бўлинг. Дилини оғритиб қўйишингиз мумкин.

Бир келинчак, кўкрагида ёли бор йигитларни ёқтираман, деб қўйиб турмуши бузилиб кетган экан.

* * *

Умр йўлдошингизнинг бурнидан ип ўтказиб олган бўлсангиз ҳам зинҳор мақтанманг. Бу-унинг иззат-нафсини топтайди.

Сирининг ошкор бўлганидан хабар топгудек бўлса, ипингизга қўшилиб оила риштаси ҳам узилиб кетиши мумкин.

* * *

«Эримни гаҳ деса қўлимга қўндираман»,-деганларнинг гапларига ишонсангиз-да, ўшандай бўлишга интилманг. Бу хиёнат ва фалокатнинг бошланишидир.

* * *

Ўртоғингизга эгри йўлга юришнинг касри фарзандларга уришини тез-тез эслатиб туринг.

Мабодо эрингиз сизни ҳайдагудек бўлса, қаттиқ гапирманг, «фақат сизни яхши кўраман»,-деб айтинг.

* * *

Хўжайинингиз ишдан қайтганда қандай кайфиятда бўлсангиз ҳам, яхши келдингизми дея очиқ чеҳра билан кутиб олинг ва бирон хуш нохуш гап бўлса овқатдан кейин айтишни одат қилинг.

* * *

Жанжал чиққанда сиз ҳақ бўлсангиз ҳам бир гапдан қолинг.

Имкон бўлса тезроқ кўз ёш қилинг ва кейинроқ биринчи бўлиб кечирим сўранг.

* * *

Ўртоғингизнинг жаҳли тез бўлса, сиз босиқлик билан, қаҳри қаттиқ бўлса, меҳр билан енгиш мумкинлигини унутманг.

**Абдураҳмон ЖЎРА**

Оила ва жамият TV
№ 39 (830) 27 сентябр — 3 октябр 2007 йил
Oila va jamiyat

## ШАНБА 6

### O'ZBEKISTON

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 "Олтин мерос".
8.50 "Минг бир ривоят".
8.55 "Қуёши ботмайдиган юрт". Т/с
9.25 ТВ анонс.
9.30 "Мусиқа дунёси".
9.50 "Шифокор қабулида".
10.15 ТВ анонс.
10.20 1."Рангинкамон". 2. "Дидар".
11.00 "Оналар мактаби".
11.20 "Аччиқ ёлғон". Т/с
11.55 ТВ анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
**13.00 "Кўнгил риштаси". Т/с**
13.50 "Ватанимни куйлайман".
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Бекат".
14.45 "Меҳр кўзда".
15.25 "Қорақалпоқ наволари".
"Болалар сайёраси":
15.40 1. "Ўйла, Изла, Топ!"
2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
16.35 ТВ анонс.
16.40 "Минг бир маслаҳат".
17.00 "Саломатлик сирлари".
17.20 "Турмуш чорраҳаларида". Т/с
18.00 "Минг бир ривоят".
18.05 "Рамазон туҳфаси".
18.30 "Олтин мерос".
18.40 "Шахсий фикр".
19.15 "Оҳанглар оғушида".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот"
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Сайлов – демократия кўзгуси".
20.35 "Кўнгил қўшиқ истайди".
20.50 "ТВ шифокор".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Оддий ҳақиқатлар". Ток-шоу.
22.20 "Қўшиғимсан, муҳаббат"
22.30 "КиноТеатр".
23.00 "Тати Даниэль". Б/ф
00.45-00.55 Тунги наволар.

---

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 "ЯНГИ ТОНГ"
8.00 "Даврнинг боласи".
8.10 "Эртагим-эртак"
9.25 "Телетуҳфа".
9.30 "Эрта сўнган юлдузлар".
9.50 "Ватаним!"
9.55 "Аждодлар хазинаси".
10.00 "ДАВР".
10.10 **"Айро такдирлар".** Т/с
10.35 "Телетуҳфа".
10.40 Мультфильм.
11.50 "SMS-мусиқа".
12.10 **"Ишкомли уй".** Т/с
13.00 "ДАВР".
13.15 "Афсона ва ҳақиқат"
13.45 "Матонат".
14.00 **"Пуаро".** Т/с
14.50 "Тафаккур нури".
15.00 "ЯНГИ КУН"
15.50 "Севилья сартароши".
16.00 "ДАВР".
16.15 **"Кўза".** Б/ф
16.45 "Такдир".
17.30 "Чемпион сирлари".
17.50 "Камолот" хабарлари.
18.05 "Ёш оилалар – давлат ҳимоясида".
18.20 "Каталог".
18.30 "Мулки мумтоз".
19.00 "ДАВР".
19.30 "Дунё таомлари".
19.50 "Мусиқий лаҳза".
20.00 "УЙ МАСАЛАСИ".
20.35 "Янги мавсум туҳфалари".
20.40 "Ватаним!"
20.45 "Эълонлар".
20.50 **"Ишкомли уй".** Т/с
21.35 "Ёшлик наволари".
21.55 "Эълонлар".
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мусиқа".
22.50 Жаҳон киноси: **"Енгилмас".**

### TOSHKENT

7.30 **"Салом, Тошкент!"**
8.35 "Эгизаклар". Т/с
9.05 "Телекурьер-маркет".
9.35 "Маърифат фидойилари".
9.55 "Саломат бўлинг".
10.05 "Мусиқа SMS".
10.40 "Репортаж"
10.50 "Афиша"
11.10 Кино: "Анализируй это".
***
17.55 "Афиша".
18.05 "Телекурьер - маркет".
18.25 "Биласизми?"
18.30 "Пойтахт"
18.50 "Эгизаклар". Т/с
19.25 "Мусиқа SMS".
**20.00 "Пойтахт"**
20.15 "Мисли вслух".
20.20 "Подводная экспедиция".
20.50 "Интервью".
21.00 "Жозиба".
21.25 "Анонс".
21.30 "Пойтахт"
21.45 "Анонс".
21.50 "Телекурьер - маркет".
22.10 "Истеъдод".
**22.30 "Пойтахт"**
22.45 "Кино SMS со звездами".
22.50- 00.25 Кино: "Знакомство с родителями".

### SPORT

7.30 "Хабарлар"
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар"
9.10 Мультфильм.
9.20 "Смак".
9.55 "Соғлом оила".
10.25 "Жаҳон спорти юлдузлари".
10.45 Формула-1.
11.25 Баскетбол. Чемпионат Европы. Женщины.
12.05 "Путешествия натуралиста".
12.30 М. Задорнов. "Записки усталого романтика".
14.00 – 15.30 Теннис бўйича "Тошкент Оупен" турнири. Жуфтликлар. Финал учрашуви.
***
18.00 "Мир детского спорта".
18.15 "Мусиқий тайм".
18.50 "Фоторевю".
19.10 "Файзли ошхона".
19.30 "Юлдузлар матчи".
19.50 "Стиль".
20.10 "Спортколлекция".
**20.30 "Ледниковый период".**
21.30 "Хабарлар"
**21.50 "Ледниковый период"**
23.00 SMS Ринг.
23.30 "Игра на миллионы". Художественный фильм.

### TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 Узбек наволари
09.00 Мировые хиты
09.30 «Кинокурьер»
10.00 Узбек наволари
11.00 «11 друзей Оушена» худ. фильм
13.15 Мировые хиты
14.00 «Премьера» (узб)
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 «Бэби хитс»
16.00 «БЕШ ПАНЖА» (рус)
16.30 Мировые хиты
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 Узбек наволари
18.30 «Сунмас орзулар»
19.10 Узбек наволари
21.00 «Навбат Рашид Холиков билан»
21.30 Узбек наволари
22.00 «12 ДРУЗЕЙ ОУШЕНА» х/ф
00.20 Миксер

### ОРТ

5.00 Новости
5.25 Х/ф «Случай с Полыниным»
7.10 «Играй, гармонь любимая!»
7.55 «Слово пастыря»
8.15 «Здоровье»
9.00 Новости
9.20 «Смак»
9.55 «Отпуск. Без места под солнцем»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Премьера. «Наедине со страхом»
12.05 «Дом, который построил Эльдар»
13.05 К 80-летию Эльдара Рязанова. Лариса Гузеева, Никита Михалков в фильме «Жестокий романс»
15.40 «Новые песни о главном»
17.00 «Времена» с Владимиром Познером
18.00 Премьера сезона. «Стенка на стенку»
18.55 Премьера сезона. «Ледниковый период»
20.00 Время
20.20 Премьера сезона. «Ледниковый период». Продолжение
22.25 Брэд Питт в комедии Гая Ричи «Большой куш»
0.15 Х/ф «Принц приливов»
2.30 Х/ф «Страшно жуткое кино»
3.55 Звезды эфира. «Веселые ребята», 2-я часть

### РТР

5.00 «Доброе утро, Россия!».
6.30 «Студия Здоровье».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
7.20 «Военная программа» Александра Сладкова.
7.45 «Утренняя почта».
8.20 «Субботник».
9.00 «Вокруг света».
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.20 «Национальный интерес». Ток-шоу Дмитрия Киселева.
11.20 РОДНОЕ КИНО. Василий Шлыков, Татьяна Скороходова и Евгений Дворжецкий в боевике «Риск без контракта». 1992г.
13.00 ВЕСТИ.
13.25 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13.35 «Я вернусь... Игорь Тальков».
ТЕЛЕКАНАЛ «БИБИГОН» ПРЕДСТАВЛЯЕТ:
14.35 ПРЕМЬЕРА - 2007. «Астерикс и викинги» (Франция - Дания). 2006г. Мультфильм.
15.50 «Аленький цветочек». Мультфильм. xxxxxxxxxx
16.35 «Субботний вечер».
18.35 «Танцы на льду. Ваш выбор».
19.00 ВЕСТИ.
19.20 «Ревизор».
19.50 СДЕЛАНО В РОССИИ. Марат Башаров, Любовь Толкалина, Алексей Серебряков, Сергей Шакуров, Александр Галибин, Андрей Смоляков и Дмитрий Нагиев в фильме Егора Кончаловского «Консервы». 2006г.
22.15 Х/ф «Жаркий ноябрь».
0.15 Х/ф «Ловец снов»
2.25 Х/ф «Бланш» (Франция).
4.00 Канал «Евроньюс» на русском языке.

## ЯКШАНБА 7

### O'ZBEKISTON

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 "Олтин мерос".
8.45 "Минг бир ривоят".
8.50 "Қуёши ботмайдиган юрт". Т/с
9.20 "Саломатлик сирлари".
9.40 ТВ анонс.
9.45 "Ҳамон ёдимда"
10.05 "Минг бир ривоят".
10.10 "Ҳамон ёдимда"
10.30 "Маҳаллада дув-дув гап". Б/ф
11.50 "Ҳаёт манзаралари".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "КИНОТАКДИМ".
13.25 "Мусофир". Б/ф
14.50 ТВ анонс.
14.55 "Мусофир". Б/ф
"Болалар сайёраси":
16.30 "Хатолар ороли". Мультфильм.
16.55 "Одами эрсанг"
**17.15 "Турмуш чорраҳаларида". Т/с**
17.55 "Минг бир ривоят".
18.00 "Рамазон туҳфаси".
18.25 "Олтин мерос".
18.35 ТВ анонс.
18.40 "Азизим".
19.10 "Оҳанглар оғушида".
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Таҳлилнома"
20.10 "Аччиқ ёлғон". Т/с
20.50 "Минг бир ривоят".
21.00 "Таҳлилнома".
21.50 "Кўҳна оҳанглар".
22.05 "Заковат".
23.05 "Қўшиғимсан, муҳаббат"
23.15 "Ўзганинг чиптаси". Б/ф

---

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 **"Москва кўз ёшларга ишонмайди".** Б/ф
8.05 "Телетуҳфа".
8.10 **"Москва кўз ёшларга ишонмайди".** Б/ф
9.25 "Ватаним!"
9.30 "Болалар давраси".
10.00 "ВАТАНПАРВАР".
11.00 "Journal"
11.20 "Эверест".
12.10 **"Ишкомли уй".** Т/с
12.50 "Радиоханда".
13.00 **"Олтин гулнинг касофати".**
14.50 "ТАРАННУМ".
15.30 "Чемпион сирлари".
15.50 "Ринг қироллари".
16.30 "Айланай"
16.50 **"Роботлар".** Мультфильм.
18.15 "УЙ МАСАЛАСИ".
19.00 "Давр ҳафта ичида".
19.30 "SMS-мусиқа".
20.00 "Акс". Ток-шоу.
20.40 "Рўзғор мактаби".
21.10 "Дилроз".
21.30 "KINOMANIYA".
22.00 **"Йирик балиқ".**
00.00 "ТУНГИ ПАРВОЗ".

### TOSHKENT

7.30 **"Салом, Тошкент!"**
8.35 "Эгизаклар". Т/с
9.05 "Телекурьер - маркет".
9.30 Мультфильм: "Акаиро".
9.55 "Афиша".
10.05 "Интервью".
10.15 "Биласизми?"
10.20 "Истеъдод".
10.40 Кино: "Ёр-ёр".
11.45 "Мусиқа SMS".
12.15 "Телекурьер-маркет".
12.40 Мультфильм: "Золушка". Премьера.
14.00 "Дорихона эшитади"
14.45 Кино: "Знакомство с родителями".
16.20 "Мысли вслух".
16.30 "Саргузаштлар ороли".
16.55 Кино: "Форрестерни излаб". 1-2 қисмлар.
19.10 "Анонс"
19.15. "Жозиба".
19.40 "Телекурьер-маркет".
20.00 "Нима учун?"
20.45 "Туризм ҳақида"
21.15 "Мысли вслух".
21.20- 23.20 Кино SMS со звездами: "Я никогда не буду твоей". "Мачеха". "Разрисованная вуаль".

### SPORT

7.30 "Хабарлар"
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар"
9.10 "Рақибингиз гроссмейстер".
9.35 "Пока все дома".
10.25 "Фазенда".
11.00 "Қувноқ стартлар".
11.40 "Файзли ошхона".
12.00 "Вокруг света".
12.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. **"Навбаҳор" - "Қурувчи".**
13.35 – 14.25 ПрофРИНГ.
***
16.00 Футбол. "Пахтакор" - "Шўртан".
17.50 "Халқ ўйинлари".
18.10 "Мусиқий тайм".
18.30 "Версия".
19.00 "Спорт уик-энд".
19.35 "Тайм-аут".
20.00 **Теннис бўйича "Тошкент Оупен"** турнири. Финал.
21.30 "Талқин".
22.00 "Ровесник".
22.20 Еврофутбол.

### TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 Мировые хиты
08.30 «Сунмас орзулар»
09.10 Узбек наволари
11.00 «12 друзей Оушена» худ.фильм
13.20 Мировые хиты
14.00 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 «Бэби хитс»
16.00 «БЕШ ПАНЖА» (узб)
16.30 «Премьера» (рус)
17.00 Узбек наволари
17.30 Мировые хиты
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.10 Узбек наволари
19.00 «Юлдузли пайшанба»
19.30 Узбек наволари
20.00 MTVA-award-2007
20.20 Узбек наволари
21.00 «Топ-20»
21.45 Мировые хиты
22.00 «13 ДРУЗЕЙ ОУШЕНА» худ.фильм
00.15 Миксер

### ОРТ

5.00 Новости
5.10 Искатели. «Форт последней надежды»
5.55 Нонна Мордюкова, Евгений Киндинов в фильме «Молодые»
7.35 «Служу Отчизне!»
8.10 «Умницы и умники»
9.00 Новости
9.15 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
9.35 «Пока все дома»
10.25 «Фазенда»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 «Че Гевара»
12.45 «Модный приговор»
13.40 Премьера. «Женщины в безвоздушном пространстве»
15.00 Футбол. Чемпионат России. «Локомотив»-»Зенит». Прямой эфир
17.00 Премьера. «Большие гонки»
17.55 Премьера сезона. «Минута славы»
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
20.50 Премьера сезона. «Фабрика звезд»
22.35 Дженнифер Лопес в фильме «Вне поля зрения»
0.40 Олег Янковский, Ирина Купченко в фильме «Поворот»
2.20 Сериал «Собачье дело»
3.10 «Пока все дома»

### РТР

4.50 Алексей Булдаков в приключенческом фильме «В двух шагах от «РАЯ». 1984 г.
6.30 «Сельский час».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7.20 «Диалоги о животных».
7.55 «Вся Россия».
8.05 «Комната смеха» .
9.05 «Сам себе режиссер».
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
10.50 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
11.20 «Сто к одному». Телеигра.
12.15 «Парламентский час».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13.30 «Фитиль N 149». Сатирический тележурнал.
14.15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14.50 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
15.20 «Аншлаг и Компания».
17.05 ПРЕМЬЕРА. «Танцы на льду».
19.00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
20.00 «Специальный корреспондент».
20.30 СДЕЛАНО В РОССИИ. ПРЕМЬЕРА. Владимир Шевельков, Наталья Шамина, Сергей Паршин, Артур Ваха, Любовь Виролайнен и Ольга Самохина в фильме «Любовь под надзором». 2007г.
22.30 МИРОВОЕ КИНО. ПРЕМЬЕРА. Денни Де Вито и Кэти Бэйтс в комедии «Странные родственники» (США). 2006г.
0.20 ПРЕМЬЕРА. Анастасия Хилл в триллере «Заброшенный дом»
2.25 Телефильм «Ругантино»
3.10 Канал «Евроньюс»

---

Сўзсиз сурат



Рассом — А. Ҳакимов



Юқоридан келган тўп учун кураш.



- Ия, Соқивой, оёққа нима бўлди?
- Кайф билан машина ҳайдаб авария қилиб оёқдан айрилдим, ичкиликни ҳам ташладим.

# BOLALAR Burchagi

*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*




**Shaydoxon AHMEDOVA.** Xorazm viloyati, Xazorasp tumani, «Ogahiy» nomli maktabning 3 «B» sinf o'quvchisi.

***VATANIM O'ZBEKISTON***

*Mening vatanim,*
*Hur O'zbekistondir.*
*Vatanimning nomi,*
*Tillarda dostondir.*
*Mehribon quyoshi bor,*
*Jonkuyar yurtboshi bor.*
*Hayqirgim kelar beixtiyor,*
*Men juda baxtiyorman.*
*Juda baxtiyor.*

**Sohiba SHIXNAZAROVA.** Xorazm viloyati, Qo'shko'pir tumani, 29-maktabning 9 sinf o'quvchisi.



**Umida MAHMUDOVA.** Toshkent shahar, Sirg'ali tumani, 277-maktabning 9 «B» sinf o'quvchisi.



**Erkinoy QURBONBOYEVA.** Xorazm viloyati, Pitnak shshri, 18-maktabning 4 «a» sinf o'quvchisi.



**Dilorom KARIMOVA.** Toshkent shahri, Sirg'ali tumani, 237-maktabning 7 «a» sinf o'quvchisi.



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?




### ДЕЛЬФИНЛАР ТИЛИ

Дельфинлар денгизда яшайдиган сут эмизувчилар тоифасига мансуб жониврдир. Уларнинг ақлий қобилияти анча мукаммал ривожланган бўлиб, хатто ўзига хос тили ҳам бор. Дельфинлар икки хил товуш чиқаради. Уларнинг биринчиси хуштак чалгандаги товушни эслатади ва унинг ёрдамида дельфинлар бир-бирлари билан ўзаро мулоқотга киришадилар. Иккинчиси эса бирор нарсанинг кетма кет тақиллаганига ўхшаб кетади. Бу товуш воситасида дельфин атроф-муҳитни ўрганади ва ўзига емиш топади.

### ҚУРУҚЛИКДАГИ ЭНГ ЙИРИК СУТ ЭМИЗУВЧИ



Филлар ўз ҳажми ва вазни жиҳатидан қуруқликда яшовчи барча жониворлардан устун туради. Жумладан, Африка филининг бўйи 4 метргача боради, вазни эса 6 тоннадан ошади. Ҳинд фили эса одатда африкалик қариндошидан кичикроқ бўлиб, 3 тонна атрофида тош босади.

Филнинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг хартумидир. Хартум филда бирйўла ҳам устки лаб, ҳам бурун вазифасини бажаради. У узун ва ичи ковакдир. Одатда, фил хартуми ёрдамида кўплаб вазифаларни бажаради. Масалан, чанқаса, хартумини тўлдириб сув олади ва оғзига солиб ичади, ёки чўмилгиси келса, устидан қуяди. Қонхўр ҳашаротларни ҳайдайди, ўт-ўланларни юлиб ейди, душманларидан ўзини ҳимоя қилади.

Филнинг қозиқ тишлари ҳам алоҳида мавзу бўлишга лойиқ. Унинг узунлиги 3 метргача, оғирлиги эса 70 килограммгача боради. Айнан мана шу тишлари "фил суяги" деб аталади ва қаттиқлиги боис жаҳон бозорида қиммат баҳоланади. Шу сабабли мўмай пул ишлаш илинжидаги браконерлар ноқонуний йўллар билан филларни овлашади.

### СОВУҚҚА ЧИДАМЛИ ҲАЙВОНЛАР

Аксарият сут эмизувчилар совуқ иқлимли минтақаларда яшашга мослашмаган. Аммо қутб оқ айиғи қаттиқ совуққа ҳам чидамли ҳайвон ҳисобланади. У аёзли ҳавога шунчалар мослашганки, инини ҳам қалин қор остига қуради, сувда сузиб балиқ овлаб қорин тўйдиради. Оқ айиқлар баҳорда болалайди. Она айиқ бутун ёз бўйи боласини сувда сузишга ва балиқ овлашга ўргатади.

### СУВДА ҲАМ СУТ ЭМИЗУВЧИЛАР БОРМИ?

Қизиғи, сув жониворлари орасида ҳам сут эмизувчилар бўлар экан. Бир умр сувда яшаб боласини эмизиб катта қиладиган жониворлар сирасига китлар, дельфинлар ва кашалотлар киради.

Бу сут эмизувчиларнинг танаси худди балиқларникига ўхшайди, аммо уларда жабралар йўқ. Шу боис улар ўпкалари ёрдамида нафас олишади. Китлар, дельфинлар ва кашалотларнинг доим сув юзига чиқиб шўнғиб-шўнғиб сузишларининг сабаби ҳам шунда. Улар сув юзасига чиққанда ўпкаларини кислород билан тўлдириб олишади.

Урғочи кит, дельфин ва кашалотларда сут безлари бор. Шунингдек, балиқлардан фарқли равишда уларнинг боласи увилдириқдан чиқмайди, балки бошқа сут эмизувчилардаги каби тирик ҳолида туғилади.

### ЭНГ КАТТА СУТ ЭМИЗУВЧИ

Кўк кит сайёрамиздаги энг катта сут эмизувчи жонивор ҳисобланади. Унинг узунлиги 30 метргача, оғирлиги эса 100 тоннагача боради. Кўриниб турибдики, кўк кит ўз ўлчамлари билан қуруқликда яшовчи энг катта сут эмизувчи - Африка филидан анча каттароқ экан.

Гарчи у жуда катта бўлса-да, тажовузкор ёки йиртқич эмас. Кўк кит асосан денгиз ўтлари билан озиқланади.

### ХАЛТАЧАЛИ ҲАЙВОНЛАР

Австралияда яшайдиган кенгуру номли жонивор ўзининг янги туғилган боласини қорнидаги халтачасида олиб юради. Бундай махсус халтачалар Австралиянинг бошқа яна бир қатор ҳайвонларида ҳам бор. Уларнинг барчаси халтачали ҳайвонлар деб аталади. Улар фақат ўт-ўлан билан озиқланадилар.

Кенгуру ҳайвонлар орасида узунликка сакраш бўйича чемпион дейиш мумкин. У 10 метргача узунликка сакрай олади.

### ЛАМА ҲАҚИДА



Лама туялар билан битта оилага мансуб, фақат унинг бўйи кичикроқ, кўриниши ҳам чиройлироқ. Ламалар Жанубий Американинг Анд тоғларида денгиз сатҳидан 4000 метр баландликда яшайди.

Унинг организми мана шундай - ҳаво таркибида кислород кам бўлган баландликда яшашга мослашган. Ламанинг қонида қизил қон таначалари инсон ёки бошқа жониворларникидан икки ҳисса кўпроқ. Шу туфайли у ҳаводан одатдагидан кўпроқ кислород олиши мумкин. Унинг киприклари қалин ва узун, қолаверса, у истаган пайтида бурун тешигини ҳам ёпа олади. Мана шу икки нарса унинг кўзлари ва нафас йўлларини тоғнинг совуқ шамоли ва чангларидан асрайди. Ламанинг жуни узун ва иссиқ бўлиб, жаҳон трикотаж саноатида қимматли хом ашё сифатида жуда қадрланади.

**ДАРМОН** тайёрлади.

# МУАЛЛИМА



Иқбол опа тонгга яқин озгина пинакка кетгандай бўлди. Бир соатлар чамаси кўзи илинибдимийўқми, узундан-узун ширин туш кўрган одамдай хушнуд бир кайфиятда уйғониб, енгилгина ўрнидан қўзғалди. Баҳорнинг сўнгги кунлари бўлгани учунми, қуёш аллақачон дарахтларнинг орқасидан унинг деразаси томон ҳам заррин нурларини таратган, қушларнинг чуғур-чуғури табиатни янаям яшнатиб юборгандек эди...

У жуда шукронали аёл. Ҳуда-беҳудага нолиш қилишни ҳеч хушламайди. Бир кам дунё экан. Аёл бўлиб яйрабяшнаб юролмади. Умр йўлдоши оламдан ўтганда эндигина ўттиз бешни қоралаган эди. Ёлғиз қизи билан турмуш кечирди. Боши очиқ аёлга турли назар билан қаровчилар кўп бўлар экан, лекин опа ўзининг чиройли феъли, камтару камсуқумлиги билан олди-орқасидан сира гап эргаштирмади. Қўни-қўшни, ёру биродарлари уни ҳурмат қилар, юзини босиб, ортиқча бир сўз дейишмасди ҳеч. Опа ҳамиша севимли касбидан куч-қувват олар, қаттиқ суянарди. У ўқитувчиликнинг адоғсиз захматларидан фароғат, мактабнинг сершовқин ҳаётидан осойиш топарди. Шу фидойилиги билан обрў-эътибор орттирди. Элга эл бўлди. Олис юртдан келин бўлиб тушиб, яна айриликнинг азоблари ёлғизлатиб қўйган бўлса-да, біровга опа, бировга сингил, ўнлаб ёшларга устоз сифатида азиз бўлди. Уч йиллар бурун қизини ҳам узатгач, бутун борлиғи билан ишга берилди. Меҳнат уни овутди. Бу орада институтга кирмоқчи бўлган ўқувчилари билан кечқурунлари ҳам қўшимча машғулотлар ўта бошлади. Шу кўйи опа мактабига, ўқувчиларига янаям боғланиб, армонлари, изтиробларини анчайин унутгандай бўлди. Изланишлар, ихлос билан қилинган меҳнатлари ортидан ўқитишнинг синалган ва синалмаган услубларига ҳам қўл ура бошладики, бу биринчи навбатда талабалар сафидан ўрин олаётган қишлоқ ёшларининг қувончларида намоён бўла борарди. Опа мактабнинг фахрига айлана борди.

Икки йил бурун Иқбол опа бир хайрли ишга бош бўлди-ю, маҳалла-кўйининг унга меҳри яна юз чандон ошди. Ўшанда ёлғиз Яратганнинг марҳаматига умид боғлаб, йўлга тушган опа бу амалининг ортидан кўнгли бу қадар роҳатланишини тўғриси тасаввур ҳам қила олмаганди.

Кеч куз кунларининг бирида Иқбол опа Мастон момо билан қўшни қишлоқдаги маъракада ёнма-ён ўтириб қолди-ю, бувининг юрагидаги дард билан кўнгилдан тўлғона бошлади. Момонинг қизгинасидан ёдгор бўлиб қолган набираси бахтсиз фалокат туфайли тўшакка михланиб қолган, у ёққа, бу ёққа кўрсатай деса, бир меҳрибон мададкори йўқ. Иқбол опанинг чин дилдан куйинаётганини сезган момо кўзларидан қуйилиб келаётган ёшларини арта-арта ҳеч кимга айтолмай юрган армонларини тўкиб-соларди. Шу-шу опа ҳаловатини йўқотди. Дам-удам бу кўтариб, қизалоқни йўқлагани ошиқаркан, хаёлан минг хил режалар тузарди.

У ёзнинг ўрталарига келиб, меҳнат таътили пулини олди-ю, қизчани олиб, пойтахтга йўл олди. Опанинг бирдан бир умиди Тошкентдаги шифохоналардан бирида ишлаётган собиқ ўқувчисидан эди. Устозининг қўнғироғидан сўнг анчагина ҳозирлик кўриб, мутахассис врачлар билан келишиб қўйган шогирди ҳам муаллимасини ҳурмат билан кутиб олди. Ўқувчисининг ёнида туриб, шифокорлар кўригига бир-бир олиб кирди. Турли лаборатория таҳлиллари ўтказилгач, бемор касалхонага ётқизилди. Муаллиманинг ёз бўйи оёғи Тошкентдан узилмади. Қизчанинг Яратгандан астойдил сўрагани бор эканми, ҳар нечук опанинг югур-югурлари бесамар кетмади. Ҳар ярим йилда қайта-қайта такрорланган муолажалар натижасида қизча оёққа турди. Шу ўқув йилининг бошида эса қизнинг 1-синфга қатнай бошлаган куни Иқбол опа учун катта байрамга айланди. Момонинг миннатдорчилик билан қилган дуолари опанинг кўнглини яйратди. Ўз-ўзидан миннатдорчилик туйғусидан ҳузурланди. Чеккан захматлари, йўл азобларини унутди. Қизча ҳам унга шунчалар боғланиб қолганки, кунора йўқлаб кўнглини, бағрини тўлдиради. Ёлғизлик азоблари опанинг хушфеъллу меҳрибонлиги билан шундайин ундан йироқлашиб борарди.

**Турмуш сабоқлари**

- ...Бунчалар чиройли тонг отаяпти, - шивирлади опа ўзига ўзи. - Бугун мактабимизда яна бир сўнгги қўнғироқ жаранглайди.

У негадир юраги орзиқиб кетаётганини сезди-ю, беихтиёр киприклари намланаётганидан хавотир билан ўзини чалғитмоққа киришди. Чунки феълини яхши билади. Унинг учун ўқувчиларини кузатиш шунчаки хайрлашув бўлиб кечмайди. Ҳозир ўзини ўзига қўйиб берса, юраги титроққа, ўксиб-ўксиб йиғламоққа тайёр. Кўзи кеча оқшом ҳафсала билан дазмоллаб қўйилган кўйлагига тушди. "Нечанчи сўнгги қўнғироқда шу либосимни кийишим экан..." - негадир дилидан ўтказди у. Мато ҳам ҳа деганда эскирмас экан-да!

Опа у ёқ-бу ёғига қараб, нонушта қилгунича мактабга кетар вақти ҳам яқинлашиб қолди. У кийиниб, туфлисининг чангини яна бир бора сидирганча ҳовлига чиқаркан, кўзи қўлларида атиргул дасталари, бўйлари бўйидан баланд жилмайиб турган йигит-қизларга тушди-ю, севинганидан киприкларида ёш халқаланди. Бир зумда улар муаллималарини ўраб олишди. Иқбол опа ўқувчиларини бир-бир бағрига босаркан, инсон учун бундан зиёда бахтиёрлик бўлмаслигини дил-дилидан ҳис этар, бу ҳисдан кўнгли роҳатланарди.

- Сўнгги қўнғироқ сизнинг ҳовлингиздан бошланибдику, Иқболой! Бунингиз саҳардан буён ҳол-жонимга қўймай, охири бошлаб келаяпти, - дея набирасини бошлаб келарди онасидек азиз, қадрли бўлиб қолган Мастон момо. - Борингизга шукр.

Ростдан-да, қизчанинг дарвозадан отилиб кириши опани ўзида йўқ шод этди.

- Бу гулларни ўзим Сиз учун экиб парваришладим, - чулдирарди у опанинг қучоғида эркаланганча. - Биринчи очилганларини олиб келаяпман. Ўқувчи формаси бирам ўзига ярашган қизнинг ҳаракатлари, гаплари, кўзларида порлаб турган меҳр шундай самимий, табиий эдики. Бундайин ғуборсиз изҳорлар учун инсон инсон бўлиб яшаганига шукроналар айтса арзийди.

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

# ДАДАЛАР ИЧМАЙДИГАН ЮРТ

"Ичкиликни чиқарганнинг икки дунёси куйсин!"

Турсунбой ярим тунда қаттиқ бош оғриғидан уйғониб, энаси раҳматли бот-бот такрорлайдиган шу сўзларни эслади. Чинданам ким ўйлаб топганикин шу ароқни? Боши мунчаям қаттиқ оғримаса! Қанийди, шу тобда энажониси ёнида бўлса, кинналаб, уқалаб бошини тузатарди. Дадасиниям роса койирди. Йўқ, энаси бўлганда икковининг ўртасига ўзи тушиб, Турсунбойни йўлатмасди. Нима бўлди ўзи? У негадир, оғриқнинг зўриданми, боягина бўлиб ўтган ҳодисани эслашга қийналар, фақат эсини танигандан буён боши узра муаллақ, ҳар лаҳза қулаб тушиши мумкин бўлган ҳарсангтош мисол даҳшат солиб тургувчи нарса - дадасининг маст, баджаҳл бўлиб келганини аниқ билади.

"Ана, унинг яна авзойи бузуқ. Ичганида вақти чоғ кириб келса, яхши, йўқса... аясига қийин, айниқса Турсунбой билан укаси Ҳалилга бақириб-ўшқирадию, қаттиқ тегмайди. Аяси эса ҳар қанча ҳақоратга чидайди, фақат урмаса бас".

- Қаёқдайдинг, дайди ит?

Дарвозадан энди ҳатлаган аясининг ранги оқариб, оёғи қалтираганда... каловланди. Ҳозиргина қўшнинкига бир нима бергани кирганини айтиб, "чой қўяйми?" ва яна нималардир деб, парвона бўлди.

- Манави нима, саёқ?

Укаси иккови ўйин билан овора, товуқлар аяси ҳозиргина тўплаган ҳазонни роса титишган эди.

- Вой, товуқ ўлгурлар...

- Товуқ ўлгунча сен ўл, ҳе...

- Ҳозир йиғиштираман, дадаси. Қўшнига дарров супургисини бериб чиқай деб...

- Ҳа, супурги опкеб бермадинг, демоқчимисан? Ўзинг далага чиқиб, сувоқ терсанг ўласанми? Ўзи сенинг бараканг йўқ, таги паст!

- Хўп, дадаси.

- Уйга кир!

"Кирманг ая, уради. Қочиб кетинг, аяжон, қочинг!"

Турсунбойнинг юрагидан отилди бу нидо. Аммо айтиш ўрнига, аясининг этагига ёпишиб йиғлаётган Ҳалимга қўшилди.

- Укангни ол!

Дадасининг оёғидан қучиб ялингиси келди. Аммо бунинг ўрнига укасини чирқиллатиб аясидан ажратди.

Кейин нима бўлди? Аввал дераза олдига бориб, аясининг инграши, тепкиларнинг товушини эшитди. Кейин токчага осилиб, қарадию... чидаб туролмади. Уйга отилиб кириб, биринчи бор дадасига терс гапирди:

- Бўлди, дада, аямни қўйворинг!

- Йўқол!

- Кет, Турсун! Болага тегманг!!!

Дадасининг кучли билагига осилганча бир зум ҳавода айландида, учиб бориб деворга урилди. Боши билан урилганидан, кўзларидан ўт чақнаб кетди. Бироқ, қўрқувнинг кучидан оғриқни енгиб, ташқарига югурди. Қўшнилари Нормат отани бошлаб келгани, аясини ажратиб олиб, кимдир хўл латтани юзларига босаётганини элас-элас эслайди. Фақат дадаси тинчимас, ҳеч кимга сўз бермай юлқинар эди.

Қачон тинчиди - билмайди. Бош оғриғига чидолмай қолди, кўнгли айниб, беҳузур бўларди. Кимга айтсин? Ҳамма овора. Катта уйга кириб, темир каравотга тўшалган кўрпага ўраниб олганда, деразага тун пардаси тортилган эди.

Қандай қилиб уйқуга кетди, билмайди. Бирдан ухлаб қолди. Даҳлиздаги жойига олиб чиқишганини ҳам сезмади. Фақат боши жуда қаттиқ оғрияпти-да. Аяси қанийкин? Турсунбой яна уриниб, базўр кўзини очди. Ёнида укаси, кейин аяси ухлаб ётишибди. Аяжониси... Бечоранинг кўз ости кўм-кўк, юзлари, лаблари шишган, қонталаш... Эндигина ухладимикан, киприклари нам. Уйғотсами? Балки унинг ҳам ҳаммаёғи оғриётгандир... Йўқ, яхшиси, оғриққа чидаб ётса, яна ухлаб қолади.

Турсунбой у ёнбошига ағдарилмоқчи бўлиб, бошини кўтарганди, қаттиқ оғриқдан кўзлари тиниб, кўнгли айний бошлади.

- Ая-аа...- дея заиф инграderди.

Кейин қайт қилиб юбормаслик учун оғзини кафтлари билан беркитди. Бош оғриғи зўрайган сари чор-атрофидан туман ёпирилиб, бирпасда оламни чулғади.

...Қуюқ туман, бамисли булут. Турсунбой бунақа туманни ҳали кўрмаган. Узоқдан бўйлари кўринган шарпа у томонга кела бошлади. Энаси, бу энаси эди!

Турсунбой ўзини унинг бағрига отмоқчи бўлди-ю, оёғи ерга ботгандай қимирлай олмади.

- Энажон!

- Турсунбойим, айланай сендан! Қийналдингми, болам?

- Бошим оғрияпти, эна, жудаям оғрияпти.

- Мен сени тузатгани келдим, болам. Ўзим билан олиб кетаман.

- Қаёққа?

- Узоққа. У ерда дадалар ароқ ичмайди, болаларни ҳеч ким хафа қилмайди.

- Аялари-чи, уларни ҳам ҳеч ким хафа қилмайдими?

Энаси жимгина бош ирғади.

- Унда аямни ҳам олиб кетайлик?

- Йўқ, аянгнинг ишлари ҳали битмаган, укангни катта қилиши керак.

Энаси у томон қўлини чўзди.

- Мен бу йили мактабга кирардим, эна. Дадам янги папка, китоб обермоқчийди.

Энаси ҳамон жим, қўл узатиб турарди.

- Мен кетсам, аямни ким ҳимоя қилади?

- Худойим ўзи асрайди. Юр, болажоним.

Турсунбой бирдан оёқлари бўшаб, энасининг бағрига отилди. Меҳрибон қўллар бошини силаган заҳоти оғриқ тўхтади.

- Энажон, сиз билан кетаман!

Улар қўл ушлашганча туман оралаб кетишди. Бир оз юргач, Турсунбой оёғи остидаги ерни сезмай қўйди. Кейин уча бошлади! У энасининг қўлидан тутганча, қуюқ туман бағридан сизиб чиққан нур томон учиб борарди. Дадалар ичмайдиган юрт томон...

**Гулчеҳра АСРОНОВА,**
**Фарғона шаҳри.**

**Қаттиқ зарб натижасида Шоҳида бир умрга ногирон бўлиб қолди.**



# ОҚ ИЛОН

Тонг саҳарда эринибгина уйғонган Шоҳида апил-тапил устига халатини илиб, ҳовлига чиқди. Одатдагидай бомдод намозини ўқиб олиб, ҳовлида куймаланиб юрадиган Манзура холага кўзи тушди. Юз-қўлини ювгач, салом бериб, ҳовлига сув сепиб, супиришга тушди. Овсини Малоҳатнинг кечаги пичинг гапи эсига тушиб, юраги гупиллаб уриб кетгандай бўлди.

- Ҳой, Шоҳидахон, бу ёққа келинг, ҳалиги йўқолиб қолган чипор товуқ ўлгур ғўзапоя уюми тагида экан, тинчимас. Ўзи тухумлаб, курк бўлиб, тўплаган тухумлари устида ётибди "ойим тилла". Майли, шунча меҳнат қилибди, жўжа очиб чиққунча ҳар куни дон, сув қуйиб туриш керак, болам. Мен бўлмасам ҳам беш-ўн кун шу ишни зиммангизга олинг.

- Хўп, ойижон, вой, ану ерга нега пиёлада ун қўйдингиз, ойижон?

- Ҳа, болам-а, ҳар бир ҳовлини ғойибдан эгаси, сир-синоати бўлади. Шу ҳовлига келин бўлиб тушганимда қайнонам раҳматли меникидай қилиқлар қилса, жуда ғашим келарди, ўзим уларни ўрнига қолдим-а. Ҳовлимизда катта оқ илон бор, баҳор, куз пайти бир-бир кўриниб қолади. Шу ўтин ғарамининг тагида уяси бор. Сиз қўрқманг, болам, тушганимга қирқ йилдан ошди, ҳали бировга зарари тегмаган. Баъзида оқ илончалар пайдо бўлиб, бир кўриниб, яна инига сирғалиб кириб кетишарди. Шу чети учган пиёлада ун қўяман, тугаса яна солиб қўяман. Шу ҳовлининг бир аъзосидай гап-да, болам. Эҳтимол, мен кўрган илоннинг болаларидир булар, ҳаммаси бир хил оппоқ рангда.

Шоҳиданинг эти увишди. Илонни кўриш, ушлаш эмас, номини эшитса ҳам иштаҳаси қочиб, лабига учуқ тошадиган жувонга бу гаплар ғайритабиийдек туюлди. Ёқасига туфлаб, худди йўлидан катта оқ илон чиқиб қоладигандай қадамини тезлатди. Юзини совуқ сув билан ювди. Ўша кундан бошлаб унинг халовати бузилди.

Келин бўлиб тушганигаям тўрт йилдан ошди. Мол-қўй, экин-тикинларга қараш эри Фахриддиндан, қайнонасидан унга ортмайди. Супур-сидир, ош-овқат унинг зиммасида, ҳаммасига улгуради. Ишга бориб-келиб, кунлари бир маромда ўтади-ю, юрагига қил сиғмайди. У билан тенг турмуш қурганларнинг боласи ёнида чопқиллаб юрибди. Ҳатто баъзиларида иккитадан. Тўрт йилда ҳам болалик бўлмаётган келинини олиб бормаган фолбин, ўқитмаган мулла, кўрмаган дўхтир қолмади. Кимга боришса, ҳар иккаловининг ҳам соғломлигини айтади. Яна кўнглидаги чигалликни болалатадиган бир нарса пайдо бўлган. Ойда-йилда иши тушса, зўрға бир келадиган овсини Малоҳат энди кунора қўлида бир коса овқат билан келадиган бўлди. Тунов куни қайнонаси эрига:

- Аканг тўрт бола билан икки хонали уйда қийналиб қолди, болам, яна юқори қаватда яшайди, боя-қиш. Келинимниям, сениям кўзим қиймайди, боланинг кенжаси бошқача бўлади. Сен болали бўлгунингча улар билан уйларингни алиштириб турсанглар бўларди...

- Катта келинингиз серқатнов бўлиб қолгани бежиз эмас экан-да, ойи. Мени бу ҳовлидан ўлигим чиқади. Ана ҳовлини ярмидан бўлиб беринг, уй солсин. Ўзи бу ҳовлидан чиқиб кетишда ҳеч кимга маслаҳат солмаган. Хотинчасини шаҳарда ўсганини рўкач қилиб, сизниям юз қилмай ўша "дом"га кўчган эди, энди кўзи очилибди-да.

- Болам, ўтиб кетган гапларни гапириб, ўзингни асабингни бузма. Келинойингдан тез-тез хабар олиб туришни ўзим сўрадим. Опаларинг бировнинг хасми, имкон топса келади, бўлмаса йўқ. Ёшим етмишга бориб қолди, бу ҳовли-жой мени ютиб, ейман дейди. Сен ҳам, хотининг ҳам эрта кетиб, кеч келасизлар. Хавасхонникига чиқаман, Нуринисанинг уйига кириб, пича ўтираман, кунни кеч қилай, деб. Ҳаммасининг эшиги тўла бола, этагидан кириб ёқасидан чиқади. Ҳар куни намозларимда Худога нола қиламан: "Эй, Қодир Эгам илонниям, чаённиям боласи бор, менинг боламниям ноумид қилма", деб. Қайнонам раҳматли 71 ёшда, онам раҳматли пайғамбар ёшида қазо қилганлар, ёлғиз уйда сен келгунингча қотиб қолмай, деб...

Онанинг кўз ёшлари юзини ювди. Фахриддиннинг ранглари бўзариб, йўлда турган сув тўла челакни тепиб, кўчага чиқиб кетди. Ошхонада туриб ҳамма гапни эшитган Шоҳида на эри, на қайнонасига бирор нарса дейишни билмай, ўз ёғига ўзи қоврилиб, ётоғи томонга юрди...

Ҳамиша чироғи ёниқ турган бу катта ҳовли энди файзини йўқотди. Ҳеч қачон беркилмаган дарвозага қулф тушди, энди бу ҳовлидан қўй-қўзининг маърагаши, товуқларнинг қоқоғлаб қанот қоқишлари эшитилмайди.

Манзура хола бу ёруғ оламни ташлаб кетди. Арзимас шамоллаш сабаб бир ҳафтагина ётиб, бандаликни бажо келтириб қўйди. Келадиганларнинг ҳам кети узилди. Эр-хотин ҳувиллаган ҳовлида бир-бирининг юзига гуноҳкордай чўчиб қарайди. Фахриддин юраги сиқилганидан кўчага чиқиб кетиб, тонгга яқин қайтадиган одат чиқарди.

Бугун тушига қайнонаси Манзура хола кириб қолибди. Оппоқ либосда, бир қўлида нон, бирида бир пиёлада ун кўтариб олганмиш.

- Ойижон, сиз тирикмисиз, жуда ўрнингиз ўтаяпти, ёлғизлик шунча ёмонмиди, шундан рангларингиз сомон экан-да-а, ойижон? Сизни ёлғиз ташлаб, хато қилган эканмиз, мен ҳам сиз билан кетгим келаяпти...

Ҳеч сўз демай, ҳовли томонга қараб юрганмиш... Қўлидаги пиёла тўла унни ўтин ғарами тагига қуйиб, ғойиб бўлганмиш. Ўтирган ўринларида оқ рўмоллари тушиб қолганмиш. "Ойижон!" - деб югуриб, ҳеч қаёқдан топа олмабди. Қора терга ботиб кетган Шоҳида оғзи қуруқшаб, юраги ҳолсизланганидан бира тўла ётиб қолди. Атрофида парвона бўлган сингиллари, онаси қанчалик унга яхши қарашмасин, ёстиқдан бошини кўтара олмай қолди. Иложсиз қолганларидан уни шифокор кўригига олиб боришга мажбур бўлишди. Қўйилган ташхисдан ҳаммалари ҳаяжонга тушишди, у она бўлади...

Шоҳиданинг ой-куни яқинлашиб қолгани учун уни ёлғиз қўйишмасди. Одатдагидай бугун онаси келган, олиб келган қаймоғидан хафсала билан ёғлиқ кулча тайёрлаяпти. Она-бола мазза қилиб гурунглашади. Тандирга олов қалаб қўйиб, ўтин ғарами томонга юрди. Бир боғлам ғўзапояни олиб келиб, бойламини ечиб, шундай бир тутамини синдирмоқчи бўлди-ю, бирданига доддлаб юборди. Ўтинга илашиб келган илон ҳар томонга ўзини ураётган эди. Қўрқиб, орқага бир қадам ташлаган Шоҳиданинг оёғи нимагадир урилди-ю, гурсиллаб ерга йиқилди...



Операция узоқ давом этди. Икки жон саломат қолди, улар қизчалик бўлишди. Бироқ, қаттиқ зарб натижасида Шоҳида бир умрга ногирон бўлиб қолди. Энди ҳеч қачон бошқа фарзанд кўра олмайди.

Фахриддиннинг дўсту биродарлари қутлаб келишди. Тонггача улфатчилик давом этди. Уларни кузатиш пайтида дўсти Орифжон унга:

- Қизни берган Худо бир куни ўғилни ҳам беради, дўстим, Худо хоҳласа, ўғил тўйига катта қора қўчқор мендан.

Кайфи ошиб қолган Фахриддинга бу яхши тилаклар кинойдай, жазодай туюлди. Ҳаммасини кузатгач, эсига шу фалокатларга сабабчи бўлган илон тушди. Беихтиёр ўрнидан туриб, охирлаб қолган ўтин ғарамини ҳовли ўртасига таший бошлади. Шишадаги ёқилғини олиб бориб, илоннинг инига қуйдида, гугурт чақиб юборди...

Чақалоққа Умидахон деб исм қўйишди. Шундай ширин, шундай суйгунчак бўлганки, кўрган одам уни бир бағримга боссам,-дейди. Кулса икки дона гуручдай тиши ҳам кўриниб қолди.

Кирларини ювишга йиғиб қўйган Шоҳида қизининг қорнини тўйғазиб, ток салқинидаги темир беланчакка солиб ухлатди. Болани уйғониб, ишига ҳалал бермаслиги учун вақти-вақти билан беланчакни тебратиб, кунни кеч қилди. Ишдан қайтган Фахриддин одатдагидай ювиниб, қизини сўради.

- Ҳар куни бир соат ухламай, хархаша қиладиган бу қақажон қизингиз бугун роса ухлади-да, дадаси!

Шом бўлса ҳам болани уйғотмаган хотинидан ранжиган куйи беланчакнинг устидаги тўрни очди. Қизчасига қўл узатган ота даҳшатдан еру кўкни ларзага келтиргудай доддлади. Қизча кўкариб кетган, оғзи очиқ, бўйнида катта оқ илон ўралиб ётарди...

Манзура холанинг ҳовлисидан чиқаётган нола эшитганнинг юрагини титратади. Қуруқ беланчакни тебратиб, туну-кун нола қилиб ўтирадиган Шоҳиданинг дардига ҳеч ким малҳам бўлолмайди...

***Оқ илон, оппоқ илон,***
***Энди менга қиз бўласан.***
***Иккимизни ёқди қисмат,***
***Пешонамга туз бўласан.***

***Оқ илон, оппоқ илон,***
***Пўстингни менга ташладинг.***
***Уйингни ёққанлар қолиб,***
***Ёлғиз боламни тишладинг.***

***Оқ илон, оппоқ илон,***
***Пиёлада унинг бўлай.***
***Сен менга қиз бўл келиб,***
***Мен сени қулинг бўлай!***

**МУНАВВАРА**

# ДУШМАНИМГА ҲАМ РАВО КЎРМАСДИМ

Ушбу воқеани ҳамкасбим Мунира опа гапириб берганди.

"Янги "дом"га кўчиб борганимизда болам битта эди, ўшанда. Икки яшар эди, чамамда.

Эрим ҳавас қилиб янги уйни ҳамма эшикларига ўша вақтда урф бўлган (японча бўлса керак), хорижий қулфдан ўрнатиб чиққанди. У қулф бир томонлама очилар экан. Ичкари томондан очиб бўлмайди.

Бир куни эримни ишга кузатиб, уйларни бир сидра тозалаб чиқдим. Ўғлим билан бироз ўйнадим. Телевизор қўйдим. Чамаси соат тўққиз яримўнларда хожатхонага кирдим. Ўғлим орқамдан эмаклаб келди. "Ая, ажий, ая, ажий", деб мен билан ўйнаб туриб, ширқ этиб хожатхонанинг эшигини ёпиб қўйса бўладими! Ичкарида қолиб кетдим. Қани энди эшикни оча олсам, уриб ҳам кўрдим, итариб ҳам кўрдим, ҳеч очилмайди. Ўғлим уй ичида қолди.

"Энди нима қиламан?" дейман. Деворларни, трубаларни уриб кўраяпман, бирон-бир қўшни уйда бўлса эшитиб қолар, деб. Эшик қулфланган бўлса ҳам озгина очиқ жойи бор экан, ўша ердан ўғлимни кўриб турибман. Ўша ердан гапириб, уни овутаман. Илгариги "дом"лар тор, энсиз, кичкина бўларди. Хожатхонада айланиб ҳам бўлмайди.

Икки кўзим боламда, бироз нарироққа кетиб қолса, чақираман: "Мирзиёд, шу ерда ўйна, ҳеч қаерга борма!" - деб қайта-қайта айтиб турибман. Қўрқаман-да, бирон нарсага тегиб қўйса... газгами, дазмолгами ёки устига бирон нарса тушиб кетадими, у ёқда телевизор ёқилган...

Бир пайт ўғлим йиғлай бошлади. Қорни очган, эмгиси келаяпти. Бечора болам, эшикни очиқ жойига оғзини тутиб, "ая ачи, ая ачи (очинг, дегани)", деб йиғлаяпти. Ичкарида мен йиғлаяпман. Кўкрагим шишиб кетган. Қани энди эшик очила қолса, бирон-бир қаттиқроқ нарса ҳам йўқ уришга. Шўрлик болам йиғлай-йиғлай полга ётиб, ухлаб қолди.

Бир маҳал кимдир кўча эшикни тақиллатиб, қўнғироқни босди. Болам уйғониб кетиб, яна йиғлай бошлади. Эшикни қаттиқ ураяпман, қани энди эшитса, чақираяпман, қани эшитса! Кетди. Болам "ая"лаб йиғлаяпти, унга қўшилиб мен йиғлаяпман.

Шу алфозда кечгача ўтирдим. Соат бешларга яқин пастки қаватдаги қўшним ишдан қайтиб, эшигини очиб уйига кирди. Менга ҳаммаси эшитилиб турибди. Мен деворни, трубани уриб, уни чақирдим ва хожатхонага қамалиб қолганлигимни айтдим.

Анча вақт ўтгач, нариги подъезддаги қўшни йигит балкондан ошиб ўтиб, кўча эшигини очди ва қўшним кириб, хожатхонанинг эшигини очди. Очдию, мени кўриб, қўрқиб кетди. Йиғлайвериб, хум бўлиб кетганман. Боламни қўлимга олсам, шўрлик йиғлайвериб, ҳамма ёқни булғаб ташлаган. Дарров ювинтириб, қорнини тўйғаздим. Бечора эмаяпти-ю, "ҳиқ-ҳиқ" қилиб хўрсиниб-ютиниб қўяяпти. Уни кўриб, мен ҳам роса йиғлагандим, - деди Мунира опа кўз ёшларини арта туриб. Сўнг узоқ ўйланиб қолди ва: - Ўша кўрган кунимни ҳеч кимга, ҳатто душманимга ҳам раво кўрмайман, - дея чуқур хўрсиниб қўйди. - Бу гапдан қайнонам ҳам хабар топиб етиб келдилар. Эримга: "Ордона қолсин, ўша японча қулфинг, олиб ташла ҳаммасини!" - деб роса уришгандилар раҳматли ўшанда. Ўғлим ҳозирда бола-чақали бўлиб кетган. Қизини узатади яқинда...

**Шоира ҲАСАНОВА**

Ота-оналар мактаби

# ФАРЗАНДИНГИЗ МАКТАБГА БОРДИ

Биринчи синфга борган боланинг мактабга кўникиб кетиши осон эмас. Шу туфайли бу даврда ота-оналардан фарзандига эътиборли бўлиш талаб этилади.

Айрим болалар мактабга келгач, жамоада ўзларини ишончсиз ҳис қиладилар, уларни ваҳима босади. Бунинг асосий сабабларидан бири замонавий болаларнинг(айниқса шаҳарларда) илгаригилардан фарқли равишда чиллак, қувлашмачоқ, бекинмачоқ, "Оқ теракми, кўк терак?" каби жамоавий ўйинлар ўйнаб эмас, балки уйдан чиқмай телевизор кўриб, компьютер ўйнаб улғаяётганидадир. Уларда муомала, жамоада ўзини тутиш кўникмалари шаклланмаган бўлади. Шу боис бундай болалар тез-тез тенгдошлари ва ўқитувчилар билан келишмовчиликка бориб қоладилар. Уларда мактабга ва илм олишга салбий муносабат юзага келади. Бундай пайтда ота-оналар боланинг мактабга кўникиб, мослашиб кетишида асосий кўмакчи бўлишлари керак.

**Адаптация** - боланинг янги шароитга мослашуви ва кўникишини англатади. Бу жараён бола асаб тизимининг ўзига хослиги, характери, темпераменти билан боғлиқ бўлади. Масалан, асаб тизими кучли болалар ўзларига ишонган, янги шароитга тез кўникадиган, яхши кайфиятли, биринчиликка интилувчан эканликлари билан ажралиб турадилар.

Асаб тизими кучсиз болаларда эса юқоридагининг аксини кузатиш мумкин. Уятчанлик, сусткашлик, ваҳимага мойиллик, ўзига ишончсизлик, тортинчоқлик, иккиланиш уларга хос хусусиятлардир.

Боланинг оиладаги тартиб-қоидалардан анчайин фарқли бўлган мактаб тартибларига кўникиши ҳам осон эмас. Шу боис унга тенгдошлари ва катталар билан муомала, мулоқот қоидаларини, ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришни ўргатиб бориш, янги шароитга мослашишига ёрдам бериш керак. Бола бу нарсаларни қанчалик ўзлаштириб олганини аниқлаш қийин эмас. Бунинг учун унинг бир неча киши иштирок этадиган маълум қоидаларга асосланган ўйинда ўзини қандай тутишини кузатиш кифоя. Бола ўйин қоидаларига амал қилаяптими, бошқаларнинг фикрига қулоқ солаяптими, омади келмаса ғирромлик қилмаяптими - мана шуларга қараб ота-оналар зарур бўлганда фарзандларининг хатти-ҳаракатларини тўғри йўлга солиб туришлари лозим бўлади.

Боланинг мактабга кўникиб кетишида оиладаги муносабатлар ҳам муҳим аҳамият



касб этади. У уйда ўзини яхши кўришларини, ғамхўрлик қилишларини, қийналса ёрдам беришга тайёрликларини ҳис этиши керак. Ота-оналар фарзандларининг ҳақиқий имкониятларини тўғри баҳолай олишлари ва у энг аълочи ўқувчилардан бирига айланишига ишонтиришлари, шунга интилишни шакллантириб боришлари лозим. Айрим ота-оналар фарзандларининг омадсизликларидан шу қадар тушкунликка тушадиларки, буни шунчалар очиқчасига ифодалайдиларки, ана шу тушкунлик болага ҳам ўтади. Оқибатда унда ўзига ишончсизлик шаклланади. Шу туфайли боланинг кичкина ютуғини ҳам мақтаб, уни янада яхшироқ ўқишга рағбатлантириш керак.

Бола тингловчи эмас, кўпроқ савол берувчи бўлсин. Айрим ота-оналар кўп савол берадиган болаларни: "Саволларинг билан бошимни қотирма", деб койиб берадилар. Бу яхши эмас. Аксинча фарзандингизни кўп нарсани билишга қизиқиб саволлар бераётгани учун мақтанг. Уни тез-тез истироҳат боғига, ҳайвонот боғига, болалар учун фильмларга, музейларга олиб тушинг, биргаликда китоблар ўқинг, расмлар чизинг. Буларнинг барчаси унда янги таассуротлар уйғотади, фикр доирасини кенгайтиради.

Бола ўзини яхши ҳис этиши ва дарсларни мукаммал ўзлаштиришининг муҳим шартларидан бири кун тартибига амал қилишдир. Кун тартиби болани интизомга, вақтдан унумли фойдаланишга ўргатади, соғлиғини мустаҳкамлайди, фаол бўлишини таъминлайди. Ота-оналар фарзандларига кун тартибини тўғри тузишда ёрдам беришлари керак, яъни унда фаол жисмоний ва ақлий меҳнат ҳамда дам олиш кетма-кетлиги таъминланган бўлиши зарур. Қолаверса, болани кун тартибига қатъий амал қилишга ўргатиш лозим. Кун тартибига албатта жисмоний машқларни киритишни унутманг. Бу эрталабки жисмоний тарбия, ҳаракатчан ўйинлар, велосипедда сайр, сувда сузиш, спорт тўгаракларига қатнаш бўлиши мумкин. Чунки болалар мактабда нафақат ақлий жиҳатдан, балки узоқ вақт ҳаракатсиз ўтиришдан ҳам чарчайдилар.

Бола мактабдан келганида ота-она унга қандай савол бериши ҳам кўп нарсани ҳал қилади. Айримлар фарзандига ҳар куни: "Бугун сендан уй вазифасини сўрашдими?", "Сенга танбеҳ беришмадими?" каби шахсиятга тегувчи саволлар беришади. Яъни боладан уй вазифасини сўрашмаган, бунинг устига танбеҳ ҳам эшитган бўлса, у ўзини қобилиятсиз эканлигига беихтиёр ишона бошлайди. Яхшиси унга: "Бугун қандай янги нарсаларни ўргандинг?", "Ўртоқларинг билан қанақа ўйинлар ўйнадинг?" сингари саволлар берган маъқул.

Болани мактабдан кутиб олиш чоғида ота-оналар қуйидагиларга амал қилишлари зарур:

➔ Остонадаёқ ундан қандай баҳолар олганини сўраманг;

➔ Унинг омадсизликларига салбий муносабатингизни ошкора билдирманг. Паст баҳо олгани ёки танбеҳ эшитгани учун койиш, унга ғазаб билан тикилиш, оғир ҳўрсиниш тўғри эмас;

➔ Мактабдаги омадсизликлардан тушкунликка тушиш ярамайди. Яхшиси, уларнинг сабабини фарзандингиз билан бирга муҳокама қилиб, кейинги сафар бундай бўлмаслигининг йўлларини қидириб топишга ҳаракат қилинг;

➔ Боладан имкониятидан ортиқ нарсани талаб қилманг, уни шоширманг. Аста-секин мактаб шароитига кўникиб кетгач, ютуқлари ҳам ўз-ўзидан кўпая боради;

➔ Боладан ҳали ўрганмаган, билмайдиган нарсасини талаб қилманг. Аввал унга буни амалда кўрсатиш, ўргатиш, ундан кейин талаб қилиш керак;

➔ Фарзандингизни бошқа болалар билан солиштириб, уни камситманг;

➔ Бирор ишни қайта-қайта бажаришга мажбурламанг.

Ота-оналар доим болага қуйидаги кўринишларда руҳий кўмак беришлари лозим:

✔ "Балли!", "Ишинг менга маъқул", "Ўзинг ақлли болусан-да" каби сўзлар билан мақташ;

✔ Рағбат тарзида елкасига қоқиб қўйиш, қўлини сиқиш, юзидан ўпиш;

✔ Боланинг саволларига жавоб беришга ва унга ёрдам кўрсатишга вақт ажратиш;

✔ Кулиб қўйиш, маъқулловчи кўз қараши, бош ирғаш билан уни рағбатлантириш.

Ота-оналарнинг қуйидаги хатти-ҳаракатлари болага салбий таъсир кўрсатади:

➔ Фарзандининг ўқишдаги муваффақиятсизликлари учун уни қобилиятсизликда айблаб, дакки бериш;

➔ Боланинг ўқишини бошқа тенгдошлари билан солиштириб, унга паст баҳо бериш. Бу нарса аста-секин болани ўзининг ростдан ҳам омадсиз эканлигига ишонтириб қўяди;

➔ Болага зарур бўлганда ёрдам кўрсатиш ўрнига унга дўқ уриш, буйруқ бериш;

➔ Ўз фикрини болага мажбурлаб сингдиришга уриниш;

➔ Боланинг муваффақиятларини унинг қобилияти маҳсули деб билмаслик. Яъни айрим ота-оналар: "Сенга осон савол тушгани учун яхши баҳо олгандирсан-да", дейишади;

➔ Болани муваффақиятлари учун деярли мақтамаслик;

➔ Боланинг муваффақиятсизликларидан ғазабланиш, уни койиш;

➔ Ўзларининг амалга ошмай қолган орзуларининг "аламини" боладан олишади. Яъни уни аъло баҳога ўқишга, бир нечта чет тилини ўрганишга, мусиқа тўгарагига ва спорт секциясига қатнашишга мажбур қилишади.

Агар бола мактабда жамоага киришиб кетишга, янги дўстлар топишга қийналаётган бўлса, ота-онаси унга қуйидаги тарзда ёрдам бериши мумкин:

✔ Боланинг тенгдошлари билан муомаласини кузатиб, хатти-ҳаракатининг яхши томонлари учун уни мақтаб қўйиш керак;

✔ Боланинг ўқиш ва тенгдошлари билан муносабатлардаги қийинчиликлари ҳамда муаммоларидан ўқитувчисини хабардор қилиш;

✔ Боланинг тенгдошлари билан бирга ҳаракатчан ва ақлий ўйинлар ўйнашини ташкил этиш ҳамда унга бошқалар билан муносабатда ўзини қандай тутиши зарурлигини тушунтириш лозим;

✔ Болага муомала ва муносабатдаги асосий камчиликларини тушунтириш ҳамда тўғри йўл кўрсатиш керак. Шунда у уларни такрорламасликка ҳаракат қилади;

✔ Болани турли ҳолатларда - байрамларда, суҳбат чоғида, катталар билан мулоқотда, машғулотлар чоғида ўзини қандай тутишга ўргатиш зарур;

✔ Болада маълум ҳолат ва вазиятга мос мулоқот ва муносабат шаклини танлаш қобилиятини шакллантириб бориш керак.

Айнан ўзгалар билан муносабат ва мулоқотда боланинг онги, ҳаётга муносабати шаклланади, ўзини тутишни ўрганади. Бу жараёнда ота-онанинг ўрни бекиёсдир.

## ХОТИРАНГИЗ ЯХШИМИ?

*Руҳий тест*

**1. Беш хил телефон рақамини осон эслаб қоласизми?**
а) Ҳа – 1 балл; б) Йўқ - 2 балл.

**2. Муҳим учрашувга боришни унутган пайтларингиз бўлганми?**
а) Ҳа – 1 балл; б) Йўқ - 2 балл.

**3. Уч кун аввал нонуштага нима еганингизни эслай оласизми?**
а) Ҳа – 1 балл; б) Йўқ - 2 балл.

**4. Биринчи марта бўса олган кунингиз ёдингиздами?**
а) Ҳа – 1 балл; б) Йўқ - 2 балл.

**5. Биринчи муҳаббатингиз эсингиздан чиқиб кетганми?**
а) Ҳа – 1 балл; б) Йўқ - 2 балл.

**6. Мактабга илк бора қадам қўйган кунингизни эслай оласизми?**
а) Ҳа – 1 балл; б) Йўқ - 2 балл.

**7. Болаликда ёд олган шеърингизни айтиб бероласизми?**
а) Ҳа – 1 балл; б) Йўқ - 2 балл.

**8. 10 ёшингизда кийган кийимларингиздан бирортаси ёдингиздами?**
а) Ҳа – 1 балл; б) Йўқ - 2 балл.

**9. Қўнғироқ қилишдан олдин зарур телефон рақамини ён дафтарчангиздан излашингизга тўғри келадими?**
а) Ҳа – 1 балл; б) Йўқ - 2 балл.

**10. Биринчи дўстингиз(дугонангиз) нинг исми ёдингиздами?**
а) Ҳа – 1 балл; б) Йўқ - 2 балл.

**11. Айрим ҳидлар сизга бирор таниш жойларни ёдга соладими?**
а) Ҳа – 1 балл; б) Йўқ - 2 балл.

**12. Бир вақтлар мактабга қатнаган кўчангизни таърифлаб бероласизми?**
а) Ҳа – 1 балл; б) Йўқ - 2 балл.

**13. Дўстларингизнинг туғилган кунлари ёдингизда турадими?**
а) Ҳа – 1 балл; б) Йўқ - 2 балл.

**Тўплаган балларингизни ҳисоблаб чиқинг.**

**13-20 балл.** Хотирангиз анча мустаҳкам экан. Баъзи-баъзида сал адашсангиз-да, кўпгина нарсаларни, воқеаларни яхши эслайсиз.

**21-26 балл.** Хотирангиз унча мақтагулик эмас. Сиз тез-тез муҳим учрашувларни ва зарур қўнғироқларни эсдан чиқариб қўясиз. Бунинг биттагина яхши томони бор: сиз ўз хатоларингизни ҳам худи шундай тез унутиб юборасиз.

**ДАРМОН тайёрлади.**



# АЖИНЛАР ТАШҲИС ҚЎЯДИ...

**ЮЗ ТЕРИСИГА ҚАРАБ...**

Юздаги ажинларга қараб ташҳис қўйиш қадимги Хитой давлатида пайдо бўлган. Хитойликлар ҳозиргача ҳам юз терисидаги бурма ва ажин чизиқларига худди харитага қарагандек қараб инсон танасидаги ички аъзоларнинг қай аҳволда эканлигига ташҳис қўйишади.

Ҳар бир ёшда юзда пайдо бўладиган махсус белгиларга қараб, улар юзни уч қисмга бўлишган. Масалан, биринчи қисм сочдан то қошгача бўлиб, у интеллектуал имкониятлар ва болаликдаги ҳаётни акс эттирган. Иккинчи - 35 дан 50 ёшгача кишиларда (қошдан то бурун учигача) руҳ, шахсият кучи, ўзини назорат қила олишни билдиради. Айнан мана шу ёшда иродали, ўз-ўзини назорат қила оладиган кишиларнинг оғиз ва бурунлари атрофида бурмалар пайдо бўлади.

Юзнинг пастки қисми эса инсондаги ҳаётидаги муваффақиятлар билан боғлиқ. Бу ҳудуд айниқса кексаларда яққол кўзга ташланади. Биз айнан юздаги мана шу чизиқлар орқали инсоннинг ички оламига, унинг ўтмиши ва келажагига назар солишимиз мумкин экан. Буни истаган ҳар бир одам қўлига кўзгу олиб юз терисига диққат билан тикилса бас.

**АЖИНЛАР СИРИ...**

**Кўз олдидаги...**

➔ Устки қовоқдаги икки қатор буримлар юракнинг ишлаш фаолияти унча яхши эмаслигидан далолат беради.

➔ Кўзнинг пастки қовоғи остидаги майда тўрсимон ажинлар танада дармондорилар етишмаслиги ва уйқу билан боғлиқ муаммолар борлигини билдиради.

➔ Кўз остидаги осилган "халта"лар буйрак хасталиги белгисидир.

➔ Кўз четида "ғозпанжа" шаклидаги ажинлар эшитиш қобилиятининг пасайганлиги ва мигренга мойилликни билдиради.

➔ Ошқозони касал кишиларда ҳам ана шундай ажинлар пайдо бўлади.

**Пешонада...**

➔ Пешонадаги қисқа ажинлар асаб тизими бўшашиб, зўриқишига мойилликни, невроз ва уйқусизлик аломатини билдиради.

➔ Қошлар орасидаги ажин эса бурун кемирчагида касаллик борлигидан дарак беради.

➔ Қошларингиз орасидаги майда ажинларга кўзингиз тушган бўлса, танангиздаги модда алмаштириш жараёнини яхшилаш учун қайғуринг. Шунингдек, жигарингизни ҳам текширтиш тавсия этилади.

**Ёноқларда...**

➔ Ёноқларни кўндаланг кесиб ўтган ажинлар оёқлардаги қон айланиш фаолияти бузилгани ва қон босимидан ҳам дарак беради.

➔ Ёноқларингизда тўрсимон майда ажинларингиз бўлса демак, камқонликка учрагансиз. Шунингдек, қонингизда темир моддаси ҳам камайиб кетган.

**Бурунда...**

➔ Агар пешонангиздан бурун кемирчаги томонга қия ажинлар кесиб ўтган бўлса унда сийдик чиқариш тизимингизда хасталик бор. Бундан ташқари сийдик чиқариш пуфаги ва буйрагингизни ҳам текширтиришингиз керак бўлади.

➔ Юқори лаб устидаги ажинлар гормон тизими бўшашгани ва ичаклар фаолияти хасталиги даракчисидир.

➔ Агар юқориги лабингиз устида кўндаланг чизиқлар пайдо бўлган бўлса, албатта эндокринолог ҳузурига боринг.

**Лабда...**

➔ Оғиз-бурун ва пастки лабдаги чуқур ажин излари турли ёшдаги кишиларда учрайди. Агар улар юзингизда тез пайдо бўлса ичак фаолиятингиз бузилган, албатта текширтиринг.

➔ Лаб четидаги кулги чизиқлари ошқозон ва ичак фаолияти хасталигидан далолат беради.

**Бўйинда...**

➔ Бўйиндаги "мушук изи" шаклидаги ажинлар танадаги модда алмаштириш фаолияти бузилганда кузатилади.

➔ Айнан шу бурмалар умуртқа поғонасининг юқори қисмидаги муаммолардан ҳам дарак беради. Юзингизда шундай бурмаларни кўрганингизда дарҳол мутахассисга учрашиб ўзингизда букрилик аломатлари бор-йўқлигини текширтиринг.

➔ Вақт ўтиши билан кўп аёлларнинг бўйниларидаги лимфа тугунлари бўйлаб бир-бирига қараб тортилган ажинлар яққол кўзга ташлана бошлайди. Бу ажинлар қалқонсимон безлар фаолияти бузилгани аломатидир.

**ЁШАРИШНИ ИСТАСАНГИЗ...**

Юзингиздаги ортиқча ажинлардан қутулишни истасангиз, ўзингизга бироз вақт ажратинг. Юзингиздаги мушакларингизни ортиқча зўриқтирмайдиган машқлар бажаринг. Мушакларни ҳар куни машқ қилдириш мумкин эмас. Чеҳрамиз осойишта, сокин бўлмоғи зарур. Юздаги ҳис-ҳаяжон боис беихтиёр бажарадиган ҳар бир харакатимиз одат бўлиб қолмаслиги шарт.

Агар юзингиз билан "шуғулланиш"га вақтингиз бўлмаса қуйидагича бўшаштирувчи машқларни бажаринг. Аввал пешонангиздаги мушакларни бўшаштириб, кўзларингизни аста юмиб, пастга қараган ҳолда бироз ўтиринг. Бошида юзингиз бу машққа унча кўника олмайди. Бироқ қайта-қайта бу машқни бажарганингиздан кейин мушакларингиз бунга ўрганади. Бўшашган, ҳеч қандай зўриқиш аломатлари йўқ чеҳрангизга қараб, анча ёш кўрина бошлаганингизга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

**ҲАҚИҚИЙ ЁШИМИЗ...**

Косметик пардоз усулларидан қанча кўп фойдаланмайлик барибир ажинлар пайдо бўлади. Юзингизда ҳар гал янги-янги ажинларни кўрганингизда тушкунликка тушманг, чунки инсонлар вақти келиб кексаяди. Ажинлар қаттиқ изтиробга тушиш оқибатида пайдо бўлиши мумкинлигини унутманг.

**ЎЗИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?**

➔ Агар инсон тортинчоқ бўлса буни ажинлари сездириб қўяди. Лабларининг четида елпиғич шаклида пайдо бўладиганлар ҳаётдан қўрқиб, кимнингдир ҳимоясига жуда ҳам муҳтож бўладилар.

➔ Майда-чуйдага эътибор қиладиган кишиларнинг кўзлари атрофини майда, "ғозпанжа" шаклидаги ажинлар қоплаган бўлади. Бу ажинлар эса "ғозпанжа" дейилади.

➔ Қошлар остидаги тўғри чизиқли ажинлар инсоннинг ҳалол ва садоқатли эканлигидан дарак беради.

➔ Қошлар орасидаги чуқур ажин муаммолар гирдобида қолган кишиларга хосдир.

➔ Ҳафсалангиз пир бўлиб, тушкунликка тушиб қолганингизни бурун тешигидан то лабгача бўлган ажинларингиз билдириб қўяди. Шунингдек, бу ажинлар жисмонан қийналаётган кишиларда учрайди. Агар юзни ажин бутунлай қоплаб олган бўлса ўта ваҳимага тушиб қолгансиз.

**Руҳият сирлари**

# ОЁҚЛАР ОСТИДАГИ ҲАҚИҚАТ!

**Товонларимизда нафақат зўриқиш, толиқиш, шунингдек, турли касалликлардан фориғ қилишга ёрдам берадиган ажойиб нуқталар борлигини биласизми?**

**Мабодо кун бўйи тик оёқда турган бўлсангиз оёқларингиздаги толиқишни йўқотишга киришишингиз мумкин. Аввал пайпоқларингизни ечиб, полда оёқ яланг юринг. Бу товонингизни қиздиришга ёрдам беради. Товонларингиз исиган бўлса унда шифобахш нуқталарни топиб, уқалашга киришинг.**

**Товонларни ҳиндча уқалаш усули нафақат уйқусизлик, балки жуда кўп бошқа касалликлардан ҳам фориғ этади. Бу усулни уйда, телевизор кўраётиб ҳам бажариш мумкин.**

**ҚУЛАЙ ҲОЛАТНИ ТАНЛАНГ!**

Ҳиндча усул билан товонларингизни уқалашни истасангиз, аввал тўғри ҳолатни танланг. Мабодо товонларингизни ўзингиз уқаламоқчи бўлсангиз яхшилаб ўтириб олинг.

➔ Букилган оёғингизни иккинчи оёғингизнинг болдири устига қўйинг;

➔ Оёғингизни стул суянчиғига қўйинг;

➔ Бир оёғингизда ўтириб, иккинчисининг товонини кўтаринг;

➔ Оёқни узатилган ёки сал букилган ҳолатда стол четига ёки суянчиғига тиранг.

Ушбу уқалаш усулини мунтазам бажариш шарт. Бажарилган муолажаларнинг оралиғи бир хил бўлиши лозим.

**СЕҲРЛИ НУҚТАЛАР**

***Маълум бўлишича товонимизда еттита шифобахш нуқталар жойлашган ва бу тасодифий эмас. Бу рақам кўп халқларда сирли ҳисобланади. Бизнинг товонимиздаги еттита сеҳрли нуқталар эса саломатлигимизни ва яшаш қувватимизни тиклашга ёрдам беради.***




**1. Сарвабхадра нуқтаси -**

- бу нуқта товоннинг ўртасига жойлашган. Айнан мана шу нуқтани уқалаб, асабий зўриқишларни йўқотади. Уйқуни меъёрига келтиради. Ушбу нуқтани беш дақиқа давомида букилган бармоқнинг учи ёки бош бармоқ билан босилади. Уқалаш муолажаси қуйидагича бажарилади. Нуқтани 6 дақиқа босиб туриладида, сўнг 3 секунд пауза қилинади.

**2. Падука нуқтаси -**

- товоннинг юқориги қисмига жойлашган.Бу нуқта 3-4 дақиқа уқаланади. Бош оғриғи, тутқаноқ (судороги), оёқлардаги оғриқни йўқотади. Бунинг учун нуқтани тез-тез босилади. Аввал 1 секунд босилади, 1 секунд пауза қилинади.

**3. Лакшми нуқтаси -**

- оёқнинг учига яқин жойлашган. Шифобахш бу нуқтага босиш орқали овқатни ҳазм қилиш муаммоси, тутқаноқ, жазавага тушиш, бурундан қон кетиши даволанади. Бош бармоқ учи билан нуқта 3-5 дақиқа қаттиқ харакат билан босилади. Бу қуйидагича бажарилади. Секунд қаттиқ, 1 секунд сал бўшроқ босилиб. Сўнг айланма харакатлар билан босиб уқаланади.

**4. Пада нуқтаси -**

- Лакшми нуқтасидан 1 см. юқори ва пастга жойлашган. Қон босими ошганда, юрак уриши тезлашиб, оёқларда оғриқ сезилганда ушбу нуқталар 5-7 дақиқа уқаланади.

**5.Грантха нуқтаси -**

- оёқнинг нақ ўртасига жойлашган. У оёқлардаги толиқишни йўқотиб , танани тетиклаштиради. 3-4 дақиқа давомида яшин тезлигида харакат қилиб, бош бармоқнинг учи билан босилади. Муолажани аввал аста-секин, сўнг тезроқ, кейин эса яшин тезлигида босиб уқалангач, яна аста-секинлик билан уқаланади.

**6. Шауча нуқтаси -**

- оёқдаги номсиз бармоқ остига жойлашган. Бу нуқта уқаланса, бел ва суякларнинг симиллаб оғриши йўқолиб, бош оғриғини тўхтатади. Ушбу дардларни даволаш учун 4-5 дақиқа давомида уқалаш муолажаси кифоя қилади.

**7 - Мушика нуқтаси -**

- оёқдаги бош бармоққа, тирноқдан 0,3 см. нарироққа жойлашган бўлиб, уйқудаги безовталик, қулоқ шанғиллаши ва қон босимининг бирданига тушиб кетишини даволайди. Бу хасталикларни даволаш учун ушбу нуқтани 3 дақиқа давомида тез-тез уқалаш тавсия этилади.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**




**448** **Ёшим 30 да.** Турмушга чиқмаганман. Ишлайман. 35 ёшгача бўлган, жиддий, ўз фикрига эга бўлган, уй-жойли, аёлини қадрлайдиган эркак бўлса турмуш қуриш ниятида эдим.
**Манзилим таҳририятда.**
**Барнохон**

**449** **Ёшим 31 да.** Ажрашганман. Асли сирдарёликман. Ҳунармандчилик билан шуғулланаман. Моддий таъминланганман. Ўзимнинг уй-жойим бор. 27 ёшгача бўлган, қишлоқ ҳаётига кўнадиган (иложи бўлса сирдарёлик) аёл бўлса оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Холиқ**

**450** **Ёшим 44 да.** Ажрашганман. Ишлайман. Қибрайда яшайман. 40 ёшгача бўлган, оқила, меҳрибон ва уйим-жойим дейдиган аёл бўлса уйланмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Самариддин.**

**451** **Ёшим 38 да.** Ажрашганман. 15 ёшли ўғлим бор. Тошкентда яшайман. Олий маълумотли, келишган аёлман. 35-45 ёшли зиёли оиланинг фарзанди бўлган, вилоятдан бўлса ҳам Тошкентда яшайдиган, жиддий, ишлайдиган эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Нозима**

**452** **Ёшим 22 да.** Ажрашганман. Асли тошкентликмиз. Орасталикни ёқтирадиган, нозик дидли аёлман. 30-32 ёшгача бўлган, тошкентлик, уй-жойли, оиласини таъминлай оладиган, хушфеъл эркак билан турмуш қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Дилноза**

**453** **Ёшим 39 да.** Ажрашганман. 45 ёшгача бўлган, уй-жойли, иши тайин, зарарли одатлардан холи, меҳрибон бир эркак бўлса ширин оила қурган бўлардим.
**Манзилим таҳририятда.**
**Гулором**

**454** **35 ёшдаман.** Ажрашганман. 1,5 ёшли қизчам бор. Асли тошкентликман. 40 ёшгача бўлган, тошкентлик, уй-жойли эркак бўлса турмушга чиқаман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Муқаддас**

**455** **Ёшим 27 да.** Ажрашганман. Ишлайман. Икки фарзандим бор. Бефарзанд ёки ажрашган, болаларни ёқтирадиган, тошкентлик, ўз уйи бўлган, оилани моддий томондан таъминлай оладиган эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Шаҳло**

**456** **30 ёшдаман.** Турмушга чиқмаганман. Ишлайман. Озода ва пазанда аёлман. 30-35 ёшлардаги, тошкентлик, бирор ташкилотда ишлайдиган, оила қуриш истагида бўлган эркакка турмушга чиқмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Гули**

**457** **Ёшим 40 да.** Ажрашганман. Сирдарёликман. Шифокорман. 38 ёшгача бўлган, қаердан бўлса ҳам майли, оққўнгил, хушрўй аёл бўлса уйланиб бахтли қилмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Алижон**

**458** **Ёшим 35 да.** Асли Фарғоналикман. Ажрашганман. Ишлайман. Ўзимнинг уй-жойим бор. 35 ёшгача бўлган, ажрашган ёки турмушга чиқмаган қиз бўлса уйланиб, оила қурмоқчи эдим.
**Манзилим таҳририятда.**
**Авазбек**

**459** **29 ёшдаман.** Тошкентликман. Икки нафар кичик қизчаларим бор. Маълумотим олий. Келишган, жиддий аёлман. Касбим ўқитувчилик. 35-40 ёшгача бўлган, тошкентлик, баланд бўйли, кўркам, олий маълумотли эркак билан танишиб турмуш қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Зиёда**

**460** **Ёшим 31 да.** Турмушга чиқмаганман. Нуфузли ташкилотда ишлайман. Хушрўй ва ораста қизман. 38 ёшгача бўлган, тошкентлик, уй-жойли, эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Севинч**

**461** **Ёшим 29 да.** Ажрашганман. 11 ёшли қизчам бор. Ишлайман. 40 ёшгача бўлган, ишлайдиган, моддий томондан таъминлаб, қизимга оталик меҳрини бера оладиган эркак бўлса турмушга чиқиш ниятидаман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Фарангиз**

**462** **Ёшим 29 да.** Ҳали турмушга чиқмаганман.Тошкент вилоятида яшайман.Ишлайман. Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида яшайдиган, 35-38 ёшгача бўлган эркак бўлса танишиб, турмуш қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Мадина**

**463** **Ёшим 22 да.** Асли самарқандликман. Турмуш ўртоғим вафот этган. Бир ёшли ўғлим бор. Ота-онам билан яшайман. 35 ёшгача бўлган, ишлайдиган, ўғлимга оталик қиладиган (иложи бўлса самарқандлик) эркак билан турмуш қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Гулюз**

**464** **Ёшим 34 да.** Олий маълумотлиман. 5 ёшли қизчам бор. Тошкентликман. 45 ёшгача бўлган, тошкентлик, уй-жойли, (аёли вафот этган бўлса майли). ишлайдиган, касбли эркак бўлса турмуш қурардим.
**Манзилим таҳририятда.**
**Гулноз**

**465** **Ёшим 24 да.** Асли қашқадарёликман. Бир фарзандим бор. Қайси вилоятдан бўлса ҳам, 30-35 ёшгача бўлган эркак бўлса турмуш қурган бўлар эдим.
**Манзилим таҳририятда.**
**Мунира**

# ҲАР КИМНИНГ ЖУФТИ БЎЛСИН!

**466** Хонамга бир аёл кирди. Унинг олисдан келганлиги юзидаги чарчоқдан сезилиб турарди.

- Опа, мен Бухородан келгандим. Исмим Каромат. **Ёшим 28 да.** Сиз билан гаплашмоқчи эдим, - деди у ийманибгина. У анчагина қийналиб гапирарди. Ногиронлиги кўриниб турарди.

- Гаплашайлик-чи, бўлмаса... - дедим ҳануз ўзини ноқулай ҳис этаётган аёлга далда бериб.

- Ота-онам яхши ниятлар билан мени узатишди. Сепимни ҳам ҳеч кимникидан кам қилишмади. Лекин бахтим, бахтли куним бир йилгина давом этди, холос. Яхшиям чеварлик касбим бор экан. Шу билан овунаман. Кўплаб буюртмачиларим бор.

**- Нима тикардингиз?**

- Аслида зардўзликда олдимга ҳеч ким туша олмайди. Лекин ҳамма нарсани тика оламан. Шу билан дардларимни унутаман. Ахир ногиронлик айб эмаску, шундай эмасми? Кунларнинг бирида совчилар келишди. Улар менинг чеварлигимни эшитишган, ўғиллари соғлом бўлса ҳам мени келин қилишмоқчи экан. Ота-онам рози бўлишди. Бу ерда ҳам чеварлигимни қила бошладим. Бошқа овсинларим эса мен тиккан нарсаларни сотиб келишарди. Шундай қилиб каттагина оилани боқиш менинг чекимга тушди. Эрим менга кўп ҳам эътибор қилмас, фақат пул керак бўлсагина яхши гапирарди. Тақдиримдан рози эдим. Аммо...

**- Кейин нима бўлди?**

- Бир куни ҳомиладор эканлигимни билиб қолдим. Буни уйдагилар ҳам билишди. Шундан сўнг жанжал бошланди. Қайнанам менга: "Сен бола туғсанг, тикишинг қолиб кетади. Ҳозир пул ишлаб турганинг маъқул, бола туғишинг шарт эмас", - деди. Мен эса кўнмадим. Кейин мени ҳайдаб юборишди.

**- Фарзандингиз-чи, туғилдими?**

- Ҳа, ҳозир ширин бўлган. Уч ёшга тўлди.Шу болам кичик пайтида ногирон бўлса ҳам бирорта эркак билан турмуш қурсам дегандим... Уй-рўзғор ишлари қўлимдан келади. Ногирон бўлсам ҳам уйда ўтириб пул топаман. Уй-рўзғордаги ишларни жой-жойига қўйиб бажарсам... Наҳотки қизчамга ота бўладиган, қадримга етадиган бир эркакни учрата олмасам? Ўзимга ўхшаш ногирон бўлса ҳам ўз кунини кўриб юрадиган эркаклар бордир? Бўлса шундай эркакларга манзилимни берсангиз...

***Шундан сўнг аёл сумкасидан сурат олиб узатди. Суратда ширингина бир қизча тарғил мушукни бағрига босиб жилмайиб турарди. Каромат суратни бир ўпиб сумкасига солиб қўйди-да, қайта-қайта хайрлашиб чиқиб кетди.***

***Иродали бу аёл билан турмуш қуришни истаганлар бўлса, унинг манзили таҳририятда.***

* * *

**467** Сочлари оппоқ, йиллар ҳорғин чеҳрасига ўз изини солган эркак кирди.

-**Ёшим 60 да.** Исмим Исроил. Тошкентда яшайман.Тақдир экан, аёлим турмушимиз давомида бир марта ҳомиладор бўлди-ю, туғиш пайтида вафот этди. Шунга ҳам 31 йил бўлди. Ёшроқ, ишлаб юрган пайтларимда шу ҳаётимдан рози эдим. Энди эса қўрқаяпман.

**- Нимадан қўрқасиз?**

- Уч қаватли эшик ўрнатилган уйимда ёлғизликда дунёдан кўз юмишдан қўрқаман. Худога шукр, моддий таъминланганман. Рўзғорим бут, лекин кўнгил ярим-да.

**- Демак, уйланиш ниятидасиз, шундайми?**

- Шундай. Бефарзанд ёки ёлғиз бир аёллар бўлса... Икки ёрти, бир бутун бўлиб яшардик-да...

***Исроил ака манзилини қолдириб, хайрлашди.***

***Биз бу инсонга ҳамроҳ бўлишни истайдиган аёлларнинг қўнғироқларини кутиб қоламиз. У кишининг манзили таҳририятда.***

* * *

**468** Эшик очилиб бир аёл билан хушрўйгина жувон кўринди. Уларни ўтиришга таклиф қилдим.

- Исмим Гулбаҳор. Қибрайдан келдик. Болангиз бахтидан тинмаса, кўрган кунингиз изтиробга тўларкан. Худога шукр. Икки ўғлимдан тинчиганман. Лекин мана шу ойдеккина қизимнинг бахти барбод бўлди, - дея кўзига ёш олди аёл.

**- Нима бўлганини гапириб беринг-чи?**

- Бир танишим совчиликка келавериб сира қўймади. Турмушга чиқмаган каттагина қизи бор эди. Шундан хавфсираб розилик бермаётгандик. Ялиниб-ёлвориб қўйишмагач, кўндик. Тўй ҳам ўтди. Маълум бўлишича танишимнинг яна бир ногирон, тўшакка михланган ўғли ҳам бор экан...

**- Илгари буни билмаганмидингиз?**

- Йўқ, яширишган экан. Ана шу болани ҳам қизим парваришлай бошлади. Майли-да, қайниси. Лекин....

**- Шу боис ажрашишдими?**

- Йўқ. Ўша катта қизи сира кун бермади. Пиширган овқатларини отиб юборибди. Ювган кирларини ерга ташлабди. Хуллас, икки ой деганда ажрашишгача боришди.

**- Куёвингиз-чи, у ҳам индамадими?**

- Минг истиҳола қилиб у билан гаплашдим. Куёв эса: "Хотин топилади. Менга опам билан онам керак. Шуларнинг айтгани бўлади". - деди. Мана, шунга ҳам икки йил бўлди. Қизим энди 23 га чиқди. Шуни яхши бир инсонга турмушга берсам, дегандим...

***Гулбаҳор опага куёв бўлишни истаганлар учун телефон рақами таҳририятда.***

**БАСИРА** тайёрлади. ТЕЛ: 133-04-50

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 832. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11035
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Б. САЙДАЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 6